Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 3 (4698)
5 ЯНВАРЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Чили Коммунистик партиясининг 60 йиллиги муносабати билан Чили коммунистларини самимий табриклайди.

Серпухово шаҳри меҳнаткашларининг Москва остоналарида немис-фашист галалари устидан ғалабани таъминлашга қўшган ҳиссалари, шунингдек хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида эришган муваффақиятларини тақдирлаб Москва областининг Серпухово шаҳрини 1 даражали Ватан уруши ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

«Тез, самарали қурайлик» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай комланади. Мақолада ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида қурилиш ташкилотларининг коллективлари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритилади.

«Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ХХ съезди иши тўғрисидаги стенографик ҳисоботни босиб чиқарди. Унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Марказий Комитет номидан қилган ҳисобот доклади, съезд қатнашчиларининг нутқлари, делегатларнинг рўйхати, съезд сайлаган Ўзбекистон Компартияси раҳбар органлари, съезд номига келган табриккомалар, рапортлар киритилган.

ВЛКСМ аъзоси Раъно Мусаева «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичув цехида унумли меҳнат қилиб келмоқда. У кунлик нормасини 130 процентдан бажариб, теңгдошларига ўрнак бўлаяпти.

СУРАТДА: Р. Мусаева.

И. Шоиноғомов фотоси.

СССР 60 йиллигига зарбдор ҳафталик

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — АСОСИЙ ШИОРИМИЗ

• Яхши тажрибалар адреси

ТАДБИРЛАР ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА

Шу кунларда Тошкент кўн-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш фабрикаси коллективи «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида фидокорона меҳнат қилиб, план топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Фабрика ишчилари беш йилликнинг биринчи йили маҳсулот реализация қилиш планини 138 процент адо этдилар. Йил давомида 41 моделда 2 миллион 315 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Фабрикада қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида 8 минг сўмлик фойда кўрилди. 85 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилиниб, улардан 133 минг сўм фойда олинди.

Корхонада янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили ана шундай тадбирлардан фойдаланиш натижасида 180 минг сўмлик даромад олинди.

Корхонада беш йилликни уч-тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган ишчилар талайгина. Ш. Холмуҳамедова, О. Вихренко, В. Караваева, А. Тўлаганова, Ф. Турсунова сингари ишчилар айни пайтда 1983 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

БУГУН

фабрикада ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили ҳисобига меҳнат қилаётган чеварлар сони элликдан ошиб кетди. Ишчилар пойтахтимизнинг 2000 йиллик ҳамда СССРнинг 60 йиллик шонли юбилейини меҳнатда катта кўрсаткичлар билан қаршилаш учун курашишмоқда.



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини зарбдор меҳнат билан бошлаб юборди. «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига сидқидилдан қўшилиб меҳнат қилаётган бирлашма коллективининг режалари катта. Ишчилар қишлоқ меҳнатчиларига сифатли техника етказиб бериш учун жонбозлик кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: 4-цех ишчилари кенг қаторли чигит экиш сеялкалари ишлаб чиқариш жараёнида.

М. Нуриддинов фотоси.

НАФИС ВА БЕЖИРИМ

Пойтахтимиздаги кўпгина корхоналар сингари Тошкент пойафзал фабрикалари коллективлари ҳам янги йилни меҳнатда қувончли кўрсаткичлар билан кутиб олдилар. 2-пойафзал фабрикасининг ишчилари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлаш учун ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ғайрат билан меҳнат қилдилар. Ўтган йилда 40 дан ортиқ моделдаги оёқ кийимлари фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилди.

Фабрика коллективининг янги йилдаги режалари ҳам катта. Янги-янги моделдаги бежирим пойафзаллар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Асосан, маҳсулотнинг пишиқлиги, сифатли бўлишига катта эътибор берилади. Бу йил фабрикада турли размердаги 20 хил янги моделдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқарилади.

ЭЛГА МАНЗУР БЎЛСИН ДЕБ

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXVI съезди белгилаб берган марраларни эгаллаш, ўн биринчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил курашмоқда. Бирлашма цехларида мактаб ёшидаги қизлар учун турли хил кийимлар, хотин-қизларнинг атлас, шойи ва крепдешиндан тикилган миллий кўйлакларн хардорларга манзур бўлмоқда. Бирлашмаларнинг ижодий коллективи элга манзур бўлсин деб ана шу кийимларнинг моделларини замонавий услубда тикиб чиқармоқда. Жумладан ўтган йили аёллар учун тайёрланаётган кўйлаклар моделларининг янги нусхалари ўзлаштирилди.

Фабрикада эркаклар учун полистирол матосидан замонавий плашчлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу плашчлар республикамиз об-ҳаво иқлимига жуда мосдир. Шунинг учун ҳам улар, харидорлар томонидан яхши баҳоланди. Янги йилда бундай плашчлар ишлаб чиқариш ҳажми янада кўпаяди.

Бирлашма цехларининг коллективлари ўртасида авж олдирилган социалистик мусобақада коммунистлар қатори Тошкент шаҳар Советининг депутатлари М. Умарова, Т. Салбина, Октябрь район Совети депутатлари М. Султонбекова, Е. Азизова, Г. Ғафурова каби ишлаб чиқариш илғорлари пешқадамлик қилишмоқда. Уларнинг куч-ғайратлари туфайли зарбдор йилни зарбдорона якунлаган чеварлар коллективи йиллик планга қўшимча равишда 200 минг сўмликдан зиёд сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва республикамиз савдо ташкилотларига юборишга муваффақ бўлди. Меҳнат ютуқлари ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида янада ортаверади.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Шаҳримиздаги «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси чеварлари қўлидан чиқаётган хотин-қизлар ва эркаклар мавсумий пальтоларининг иккилан бири фахрли беш қиррали белги билан тайёрланмоқда. Бирлашманинг кўп минг кишилик коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида зарбдорларча меҳнат қилиб, давлат планлари ҳамда ўзлари қабул қилган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари ниҳоясига адо этди. 1981 йил учун белгиланган планга қўшимча равишда бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни шараф билан адо этилди. Яъни, янги йил арафасида савдо ташкилотларига қўшимча равишда шунча сўмлик пальтолар юборилди. Шуниси қувончлики, бу буюмларнинг асосий қисмини чеварлар йил давомида тежалган материаллардан тайёрладилар.

Бундай ютуқларга эришишда бирлашманинг 225 коммунисти, бир мингга яқин комсомол-ёшларидан ташкил топган ишлаб чиқариш новаторларининг ҳиссаси каттадир. Улар 2700 кишилик коллектив ўртасида ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юбордилар. ишлаб чиқариш ва жамоат ишларида шахсий намуна кўрсатмоқдалар.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга аҳд қилган коммунистлардай шаҳар Совети депутати З. Орипова, Н. Шинкина, З. Лебедева, В. Круглова, Т. Отрубленикова каби 120 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғорлари 1981 йилда икки йиллик топшириқларини адо этдилар. Фабрика коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида бошлаган зарбдор меҳнатларини 1982 йилда ҳам давом эттиришга аҳд қилди. Янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб бирлашманинг ҳамма цехларида меҳнат кўтаринкилиги ҳукм сурмоқда.

● ТОШКЕНТ — ЖАҲОНГА

ЭКСПОРТ БОШЛАНДИ

БУГУН

Тошкентдаги «Компрессор» заводининг меҳнат аҳли улуғвор ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилини жўшқин фаолият билан бошлади. Корхонанинг меҳнат аҳли шу бугуннинг ўзидаёқ қардош ва дўст мамлакатлардан олинган экспорт буюртмаларини бажаришга киришди.

Завод ишлаб чиқариш бўлими бошлиғининг ўринбосари Василий Григорьевич Кондратенко мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

—Биз машинасозлар январь ойининг ўзидаёқ 25 та компрессор машинасини экспорт учун тайёрлашимиз керак. Бу машиналарнинг дастлабки туркуми Болгария Халқ Республикасига юборилади. Буюртмачилар рўйхатида Куба, Монголия, Афғонистон, Польша, Яман, Жазоир, Эфиопия каби мамлакатлар навбатда туришибди.

«Компрессор» заводи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини ҳам муддатидан олдин бажарган эди. Жаҳондаги мамлакатларга 250 дан зиёд машина жўнатилди. Бу рақам Янги йилда янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

А. Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институти ва П. П. Беньков номли республика бадиий билим юрти кенг профилдаги рассом-мутахассисларни тайёрлайди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги системасидаги ушбу ўқув муассасаларини битирганлар республикамиздагина эмас қатор қардош республикаларда ҳам меҳнат қилишяпти.

СУРАТДА: интерьер ва жиҳозлар кафедрасининг мудири А. С. Кокоткин театр ва рассомчилик институтининг студентлари билан машғулот олиб боряпти.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАҲОН ДАВРАСИДА

ЯРМАРКАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

БУГУН

Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилик корхоналари бирлашмасига қарашли фабрикаларнинг усталари 1982 йилда ўтказиладиган халқаро ярмаркалар учун маҳсулотлар тайёрлашга киришдилар.

Бундай тадбирлардан бири Чехословакия Социалистик Республикасининг Брно шаҳрида ўтказиладиган бадиий-ҳунармандчилик буюмлари ярмаркасидир. Бу тадбирнинг ташкилотчилари Ўзбекистон усталарини ана шу ярмаркада маҳсулотлари билан қатнашишга таклиф этганлар. Бухоро зардўзлик фабрикасининг нафис буюмлари, Риштон керамика заводининг сопол идишлари, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг сўзана ва чойшаблари, Чуст фабрикасининг дўппилари, музика асбоблари фабрикасининг маҳсулотлари у ерда намойиш этиладиган бўлди.

Бундан ташқари Англияда ўтказиладиган сопол ва совга буюмлари виставкасига ҳам ана шундай тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон бирлашмаси айни пайтда керамика буюмларини экспорт қилишни ҳам мунтазам олиб бормоқда. Биринчи марта Франциянинг пойтахти Парижга ўзбек керамика буюмларининг 200 донаси сотишга юборилди. Финляндия эса керамика идишларидан 10 минг донасини сотиб олди. Шунингдек 15 минг дона буюм Чехословакияга юборилди.

«Ўзбекистон оқ олтини»га — виставканинг олтин медали

«Ўзбекистоннинг оқ олтини» деб аталган чиройли бадиий фотоальбом СССР Халқ Хўжалиги ютуқлари Виставкасининг юксак баҳосига сазовор бўлди. Тошкентлик фотомухбир ва кинооператор, фотохўжжатларнинг асосий қисмини тўплаган ва унинг муаллифи М. М. Пенсон фотоальбомни яратишга кўп меҳнат сарфлаганлиги учун мамлакат бош виставкасининг олтин медали билан тақдирланди. «Ўзбекистон» нашриёти СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб чиқарган ана шу фотоальбомни тузган редакцион группанинг бошқа аъзолари ҳам мукофотларга сазовор бўлдилар ва СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг қатнашчилари қилиб тасдиқландилар.

...Ўзбекистон бой республика. Унинг табиати сахий, одамларн эса ўз меҳнатлари билан ана шу ернинг сахийлигини янада оширдилар. Пахта — республиканинг асосий бойлиги, ифтиҳоридир. Фотосуратлар «оқ олтин» тўғрисида, уни етиштираётган олтин қўллар ҳақида ифодали ҳикоя қилади.

Альбомда уч юзта слайд ва кора-оқ суратлар бор. Бу эса ҳужжатли фотосуратлар яратувчи ходимларнинг бир неча авлодлари иши натижасидир. Бойдан тортиб олинган ерда ҳўкиз қўшилган омоч билан олинган биринчи эгат... Россия ишчиларининг Ўзбекистон пахтакор деҳқонларига бебаҳо тортиги — ҳозирги назар билан караганда унчалик кўркам бўлмаса ҳам, аммо ўша олис замонларда энг жозибадор «путиловчи» трактори... Ҳозирги кўп от кучига эга бўлган тракторлар, деҳқонлар меҳнатининг характерини тубдан ўзгартириб юборган хилма-хил қудратли техника, пахта далаларининг уфкларини бегиёс кенгайтирган ноёб ирригация иншоотлари, қишлоқларда, уларнинг маданиятида, қишлоқ меҳнаткашларининг бутун турмуш укладида рўй берган жуда катта ўзгаришлар... Ўзбекистон далалари миришкорларининг кўкракларида порлаб турган орден ва медаллар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонларининг олтин юлдузлари!

Совет Ўзбекистони пахтачилигининг бутун тарихи, пахтадан бир миллион тоннадан тортиб ҳозирги вақтда республикада бир йилда етиштирилаётган олти миллион тоннагача бўлган йўл фотоальбом саҳифаларида акс эттирилган. Фотосуратлардаги изоҳлар рус, ўзбек, инглиз ва араб тилларида ёзилган.

(ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Ҳозир айни қишда Денов дендропаркида ҳақиқий кўклам манзарасини кўриш мумкин. Бу ерда химонантус деб аталган ғалати бир бута гуллади. Унинг оч сариқ, асал ҳидини таратувчи гуллари йилнинг энг совуқ пайтларида очилади. У Кавказдан бу ерга, қуруқ субтропик зонага келтирилган ва жуда яхши тутиб кетган кўпгина ўсимликлардан биридир.

Денов дендропарки Сурхондарё областининг диққатга сазовор жойларидан биридир. 6 гектарлик майдонда ер юзининг турли иқлимий зоналари ўсимликларидан 600 га яқин тури жойлаштирилган. Ўсимликлар коллекцияси муттасил кўпайтириб борилмоқда. Кейин ўтказилган ўсимликлардан бири — секвойя дарахтидир. Дарахт бу ерда тутиб кетиши учун станция ходимлари бир неча йил тер тўкдилар.

Дендропарк — дам олиш ва кўпдан-кўп экскурсиялар ўтказиш жойи бўлиб қолмай, у ерда республика жанубий районларидаги шаҳарлар ва қишлоқларни кўкаламзорлаштириш учун кўчат ҳам етиштириб турилади. Бу йил масалан 200 минг тупга яқин қимматли манзарали дарахт кўчатлари тайёрлаб берилди.

* * *

ТУЯМЎЙИН. (Хоразм области). Бу ерда қурилаётган кучли гидроузел составига кирувчи Туямўйин гидроэлектрстанциясининг биринчи агрегати саноат кўламида ток бера бошлади.

Ҳозир ишлатувчилар коллективи Туямўйин ГЭСИ биринчи агрегатини лойиҳадаги 25 минг киловатт қувватга муддатидан илгари чиқариш устида ишлаяпти. Бу орада қурувчилар кейинги, ҳамма агрегатлар пойдеворига бетон ва темир-бетон ётқизиб қўйдилар. Станцияда жами қуввати 150 минг киловатга борадиган олтита агрегат бўлади. Сўнгги агрегатни 1983 йилда ишга тушириш мўлжалланади.

* * *

Ғўзанинг ашаддий душмани — вильтдан далани тозалашда... шоли ёрдам берди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган тажрибалар вильт юққан участкаларга атиги бир мавсум шоли экилса, шундан кейинги бешолти йил мобайнида дала вильтдан ҳоли бўлишини кўрсатди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари пахта билан шолини алмашлаб экиш борасида тавсиялар олдилар. Кўкламда Хоразм, Тошкент областларида, Фарғона водийсида вильтга қарши янгича кураш усулини қўллаш мўлжалланади.

• УМРИ БОҚИЙ ДЎСТЛИК

Қардошлик давраси

БУГУН

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали бепоён мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган мактаб ўқувчилари билан янада файзли бўлди. Мўътабар даргоҳга знёрат қилган ёш авлод орасида мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Киев, Новосибирск, Красноярск каби шаҳарларнинг болаларини кўриш мумкин эди.

Шундай қилиб мактаб ўқувчиларининг қишки каникули мароқли ўтмоқда. Буни Тошкентдаги республика болалар марказий туристик станциясига келган киши яққол ҳис этиши мумкин. Станция чиндан ҳам турли миллат фарзандларининг чинакам дўстлик қўрғонига айланиб кетган. Уларнинг саёҳатини соз ва мароқли ўтказиш мақсадида барча шароитлар муҳайё этилган. Станция маъмурияти болаларнинг барча тадбирларини намунали ўтказиш мақсадида 10 минг сўм сарфламоқда.

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган ёш туристлар ўзининг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Тошкентнинг бугунги жўшқин ҳаёти билан танишмоқдалар. Улар В. И. Ленин номли майдонни, республика Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, тарихий революцион жойларни, эгзиладан кейин бунёд этилган янги массивларни, шунингдек театрлар, музейлар ва қатор маданият даргоҳларини қизиқиб томоша қилмоқдалар.

ОЙНАСИЗ ВА ГАРДИШСИЗ КЎЗОЙНАК

Изом оптика-механика заводи мамлакатда биринчи бўлиб контакт линзаларни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Ғоят юпқа органик ойнадан ясалган ва қарийб вазнсиз контакт линза кўз шоҳ пардасининг нам юзига осонгина ёпишади ва кишига заррача ўнғайсизлик бермай ундан олинади. Одатдаги кўзойнак тақканда ўзини ноқулай сезадиган ғаввослар, учувчилар, спортчилар учун бундай оптика айниқса зарурдир.

Бутуниттифоқ кўз касалликлари илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари клиникада ўтказилган синовлардан сўнг янги маҳсулотга юксак баҳо бердилар ва уни кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия қилдилар. Корхонада очилган махсус цех ҳар йили 40 мингта шундай линза тайёрлаб чиқаради. Бу линзалар мамлакатдаги барча катта область марказларидаги кўришни контакт усули билан ростлаш лабораториялари ва кабинетларига юборилади. Кейинчалик бундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бир неча баравар кўпайтириш кўзда тутилган. [ТАСС].

телетайп лентасидан

БУДАПЕШТ. Будапешт метросининг янги участкаси фойдаланиш учун топширилди. Унда узун бўймаслигига қарамай, бу участка Венгрия пойтахти транспортини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Унинг ишга туширилиши билан ер ости магистраллари Будапештдаги барча йирик темир йўл вокзалларини боғлайди. Метронинг умумий ўтказиш қобилияти ҳам анча ошди. Метрода келгуси йили ҳар куни бир миллиондан кўпроқ киши ташиладиган бўлади.

* * *

Венгриядаги энг йирик саноат марказларидан бири — Секешфехервар-ни ривожлантиришнинг перспектив плани тасдиқланди. План қондаларига мувофиқ 1995 йилгача автобуссозлар ва радиотехниклар шаҳрида 25 мингта янги квартира, янги болалар муассасалари, медицина, маданий-маиший муассасалар қурилади. Тарихий, диққатга сазовор жойлари кўп бўлган шаҳар марказини пиёдалар юрадиган зонага айлантириш мўлжалланмоқда. Секешфехерварни ривожлантириш плани — Венгрида 130 шаҳар қуриш кенг программасининг бир қисмидир. Мамлакат мутахассислари бу программани узоқ истиқболни кўзлаб ишлаб чиқмоқдалар.

ПАРИЖ. Франция пойтахтида 1982 йилда маҳаллий солиқлар 13 процент кўпайтирилади. Коммунал хизмат нархини ҳам ошириш режалаштирилмоқда. Сув учун тўланадиган ҳақнинг ўзигина 12 процент кўпаяди.

Бир гуруҳ коммунистлар Париж маҳкамасида шаҳар бюджетини кескин танқид қилиб, жумладан, бу бюджет кескин уй-жой танглигини бартараф этиш чораларини кўзда тутмаётганлигини таъкидладилар.

ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Ғарбий Берлин немис касаба союзлари бирлашмаси раисининг ўринбосари М. Пагельснинг хабар беришича, шу йил давомида шаҳарда қарийб 10 мингта иш жойи «тугатилди». Корхоналар эгаларининг хатти-ҳаракати Ғарбий Берлинда ишсизлар сони доимо кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги вақтда шаҳарда 60 минг киши ишсиздир.

* * *

Шаҳар маъмурлари уй-жой нархининг ўрта ҳисобда яна 40 процент оширилажагини эълон қилишди. Бу эса Ғарбий Берлиндаги салкам 30 минг оила манфаатларига даҳлдордир. Бундан ташқари янги йилдан бошлаб эски уйларда яшаётган ярим миллион оила учун квартира ҳақи 5 процент ошади.

АНТАНАНАРИВУ. Мадагаскар шимолидаги Анциран шаҳри аҳолисидан ўн мингдан кўпроқ киши «Совет Иттифоқи: мамлакат ва одамлар» деб аталган фотовиставкани бориб кўришди. Виставка экспонатлари совет кишиларининг меҳнати ва дам олиши, уларнинг социал ҳуқуқлари тўғрисида, ёшлар ижоди, СССРда маданият ва спортнинг ривожланиши ҳақида ҳикоя қилади.

Шаҳарнинг марказий майдонида ҳар куни кечқурун Совет Иттифоқида яратилган ҳужжатли ва бадиий фильмлар намойиш қилинди.

РАНГУН. Бирманинг яна уч райони ёппасига саводхонлар зонасига қўшилди. Бу зона энди мамлакатдаги 314 маъмурий райондан 139 районни ўз ичига олади. Бирмада саводсизликни тугатиш борасидаги ҳар йилги кампания умуммиллий характерга эга бўлди. Шу кампаниялар давомида 1,13 миллиондан кўпроқ бирмалик ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди. Саводсизликни тугатиш курслари республиканинг ҳамма округларида ва миллий областларида ишлаб турибди. Минглаб студентлар, юқори синфларнинг ўқувчилари ва илғор зиёлилар ана шу курсларнинг кўнгилли ўқитувчиларидир.

(ТАСС).

Тошкентдаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси коллективи социалистик мусобақани тобора авж олдириб меҳнат қилмоқда. Сиз чапдаги суратда корхона тикув цехининг тикувчи-мотористи, коммунистик меҳнат зарбдори Наима Фатҳуллаевани кўриб турибсиз.

* * *

Ўнгдаги суратда абразив комбинатининг пешқадам токари Зулфия Жеманединова тасвирланган. Бу илғор ишчи доимо смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

И. Шоиноғомов ва Х. Мирзакаримов фотолари.

МУРАББИЙЧИЛИККА — КЕНГ ЙЎЛ

ШОГИРДГА — УСТОЗ МАРРАСИ

Шогирдларнинг устоз даражасида меҳнат қилишларини таъминлаш ватанпарварлик ҳаракати Тошкент тўқимачилик комбинатида туғилган эди. Бугунги кунда бу ҳаракат тўқимачилар даврасидан металлургилар, транспортчилар, қурувчилар, қўйингчи, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларидаги коллективлар даврасига кўчди. Биз пойтахтимиздаги «Матбуот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет босма фабрикасида устозлар билан шогирдлар ўртасидаги ўзаро ибратли муносабатлар, ишчи синфи анъаналарини тобора бойитиб боришда бу ҳаракат келтираётган имкониятлар тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

Биз фабрикада чорак асрдан кўпроқ вақтдан буён меҳнат қилиб келаётган Жалил ака Шорахмедов билан учрашдик. Жалил аканинг суяги матбаачиликда қотган. У ҳалол меҳнати туфайли обрў-эътибор қозонди. Тўқкизинчи ва ўнинчи беш йилликда социалистик мусобақада голиб чиқди.

— 1955 йил қеч ёдимдан чиқмайди, — дейди Жалил ака. — Совет Армияси сафидан қайтгач, яна жонажон фабрикамга ишга келдим. Чунки бу ерда инки ойгина ишлаб ҳарбий хизматга йўл олган эдим. Фабрикада мени Чингиз ака Сайдуллаев ўзига шогирдликка олди. У киши менга китоблар учун олинадиган расмларни қандай қилиб тайёрлаш сир-асрорларини ўргатди. У вақтда устозим икки нормадан иш бажарар эди. Уларга албатта етиб оламан, деб ахд қилган эдим... Орадан йил ўтар-ўтмас мустақил ишлашга ўтдим. Шундан бўён бирон марта ҳам топшириқни бажаролмай қолган вақтим бўлган эмас. Мана орадан чорак аср вақт ўтиб кетибди. Худди кеча ишга келгандек сезаман ўзимни...

Фабрикада учта цех — тайёрлов, босма ва муқова цехлари мавжуд. Жалил ака меҳнат қилаётган цех — тайёрлов цехидир. Бу цех бутун меҳнат жараёнини таъминлайди. Жалил ака цехда фотокандактист — яъни расмларни босмага тайёрловчи бўлиб ишлайди. Фабрикада турли рангдаги китоблар, рангли плакатлар, ҳар хил откриткалар ва буюртмалар бўйича таклиф билетлари ишлаб чиқаришда.

— Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXVI съезди минбаридан туриб айтган: «Кимда-ким яхши яшамоқчи бўлса, кўпроқ ва яхшироқ ишлаши лозим», — деган сўзларини тез-тез эслаб тураман дейди Ж. Шорахмедов. — Дарҳақиқат янги беш йиллик режаларини рўёбга чиқариш учун кўпроқ ва яхшироқ ишлаш керак. Бу ҳар бир ишчининг муқаддас бурчига айланмоғи лозим.

Бу сўзлар ҳалол меҳнатда тобланган ишчининг қалб сўзидир. Бу сўзлар замирида олам-олам барака ва мазмун ётибди.

Москваликларнинг беш йиллик планларини Улуғ Октябрь байрамигача бажариш ташаббусига Жалил ака биринчилардан бўлиб қўшилди. Фабриканинг бошқа ишчилари ҳам шунга эришишга қарор қилдилар. Ҳасан Ҳайдаров, Антонина Лукянова, Исроил Исломов, Жаҳонгир Ниёзмуҳамедов, Равшан Ҳамдамов, Бектемир Рустамов каби ўнлаб илғорлар кундалик топшириқларини бир ярим ҳиссадан адо этиб ваъдаларига вафо қилдилар. Бу коллективнинг 1981 йил планини муддатидан илгари бажаришига имкон берди. Ж. Шорахмедов 1982 йилни икки йиллик планни бажариш билан кутиб олди.

Уста шогирдсиз бўлмайди, дейди халқимиз. Жалил ака ҳам шу ҳикматга амал қилиб, ўндан зиёд шогирд тайёрлаган. Ҳозир уларнинг кўпчилиги бутун Республикадаги босмахоналарда меҳнат қилишяпти. Чунки унинг ҳунари билан ишлайдиган касб эгалари ҳали унчалик кўп эмас. Яхши йўлга тушиб олган шогирдлар бошқа босмахоналардан келган заявкалар бўйича йўлланма олиб ишга кетишади. Бир шогирди ҳозир ўзи билан бирга ишлаяпти. У юқорида номи айтилган Равшан Ҳамдамовдир.

— Мен бир вақтлар устозим Чингиз Сайдуллаев сингари ишлашни орзу қилган бўлсам, Равшан ҳам мен каби унумли ва сифатли ишлашга ҳаракат қилади, — дейди Ж. Шорахмедов,

Корхонанинг қоғоз тайёрлов участкаси барча цехларнинг юраги ҳисобланади. Чунки, бу ерда тайёрланган қоғозларга бошқа цехларда ранг берилади, турли шаклларга келтирилади. Ўтган йил учинчи квартал якунларига кўра бу участка социалистик мусобақада яхши натижаларга эришди. Участка ютуғида қоғоз қирқувчи Исроил Исломовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. И. Исломов тайёрлов участкасига қоғоз қирқувчи бўлиб ишга кирганига ҳам йигирма йилча бўлиб қолди.

— Ҳамкасбим Петр Козлов билан бир вақтда ишга келганмиз. Замонавий техникани бошқаришга ўтганимиздан буён қийналмаяпмиз. Кундалик топшириқни бир ярим ҳиссадан адо этяпмиз, дейди илғор ишчи И. Исломов. — Мен ўғлимни шогирдликка олганман. Касби мерос қилиб олмоқчи бўлди шекилли, сиз билан ишлайман, деб қолди. Ҳозир мустақил ишлаяпти.

Биз фабриканинг босма цехида ҳам бўлдик. Илғор ишчилардан Жаҳонгир Ниёзмуҳамедов шундай деди:

— Мен ишга келганда бир бўёқли машиналар бор эди. Улар жуда ясси бўлиб, ишимиз унчалик унмас, маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмас эди. Ҳозирги кунда ультра цех — 72 рулонли офсет машинасида ишлаяпман. ГДРда тайёрланаётган саккиз хил ранг берувчи дастгоҳларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати анча яхшиланди. Бу машиналарнинг афзаллиги шундаки, китоблар варақлари босма листи тарзида қабул қилиниб, тайёр китоб холида чиқади. Яъни ҳамма иш жараёнлари автоматлашган. Сифатини айтмайсизми! Дилингиз қувониб кетади. Планимиз ҳам доим ошириб бажарилмоқда. Участкамиз бўйича бир ярим баравар иш бажариб, ҳозир 1982 йил июнь ойи маррасига етиб келдик. Ҳар куни бизлардан 90—100 нусха китоб чиқяпти.

Фабрикада беш йиллик зарбдорлари кўплаб топилади. Гайрат Мустафин, Камол Саидхўжаев, Иса ака Мирсоатов ва бошқаларнинг меҳнат календарида 1982 йилнинг июль ойи кетяпти. Уларнинг шогирдлари Жамол Воҳидов, Акрам Юсуповлар ҳам шу маррани эгалладилар.

Э. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Х. САИДАЛИЕВ.

ИЛМ-ФАН — БЕШ ЙИЛЛИККА

«Карусель» пресслайди

Думалоқ пўлат стол бир маромда тўла айланиб чиқади ва унинг четларида жойлашган ихчам пресслар айни маҳалда металл порошокдан бир қанча хилма-хил буюмларни қолиплайди. Бундай «Карусель» ҳар секундда подшипник деталлари, шестерня, втулка ва бошқа кўп конструкцион элементларни беради.

«Внииэлектромашсозлик» институтининг мутахассислари меҳнат унумдорлигини одатдаги машина-ускуналарга нисбатан бир неча баравар оширадиган шундай универсам моторли автоматни ясадилар.

— Аввалги машиналар оддий «Таблеткалар»ни пресслаган бўлса, бу автоматлар ҳар хил шакилдаги буюмларни вужудга келтира олади, деди техника фанлари кандидати С. Бронин. — Махсус тўлғазиш системаси ҳамда «қориштирувчи» автомат механизмлар туфайли майда донадор аралашма анча аниқроқ дозаланади ва қолипни зич тўлдиради. Автомат тарзда мойлаб туриш ва магнитэзлаш системаси туфайли деталлар қолипдан осонгина чиқади.

Нововолинск махсус технологик машина-ускуналар заводига янги хил автоматларни кўплаб ишлаб чиқариш вазифаси топширилди. Шу усулда тайёрланган маҳсулотнинг ҳар минг тоннасида бир ярим миллион сўм пул ва икки юзга яқин станокчининг меҳнати тежалади.

М. ХАБИНСКИЙ,
ТАСС мухбири.

Харьков.

Акром Мирбобоев шаҳар китоб саадосига қарашли 3-китоб магазинида 18 йилдан бери сотувчилик қилади. Бу хушмуомала сотувчидан катта-кичик ҳамиша миннатдор. Чунки у ўқувчиларга каракли бўлган бадиий ва сиёсий адабиётларни дарҳол топиб беради. У самаралі меҳнати учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

СУРАТДА: А. Мирбобоев.

Х. Мирзакаримов фотоси

• МЕҲНАТИНГ — ЗИЙНАТИНГ

КАСБГА МЕҲР

Автобус текис, равон йўлдан бир маромда енгил чайқалиб борарди. Биз — мен ва цехимизнинг ветеран ишчиси, ёшларнинг мураббийси Сафо ака Алимов билан — автобуснинг орқа томонидаги ўриндиқда эдик. Ҳамма ўз хаёли билан банд. Сафо ака нигоҳини кейинги пайтларда шаҳримизда қад ростлаган осмонўпар бинолар ўзига қаратган. Мен эса хаёл оғушида эдим.

Кеча тушлик пайтида чойхонада гурунглашиб ўтирганимизда цехимизнинг ишчиси Восиқ ака Обиджоновнинг айтган гапларини эсладим: «Абдусамаджон бетоб бўлиб, ишга чиқмай қолган кундан бери цехимиз хувиллаб қолди. Малакали ишчининг ўрни дарров билинар экан. Ўзиям ажойиб, меҳнаткаш инсон-да, Абдусамад! Кунлик нормасини юз эллик фоиз қилиб, дўндириб қўйса ҳам бўлди, демайди-я, азамат. Чойхонанинг файзи ҳам кетиб қолди у келмаётгандан бери. Ҳазил-мутойибага, сиёсий мавзуда баҳслашишга ҳам устада, бу пропагандист! Ҳар куни дунё янгиликларидан хабардор қилиб турарди...»

Дарҳақиқат, Восиқ аканинг олий разрядли силлиқловчи, ёшларнинг мурабийси, ветеран ишчи Абдусамад ака Мирмақсудов шаънига айтган илиқ сўзларида жон бор. Мана биргина мисол. Дейлик, норма бўйича бир кунда 200 юмшоқ чармни силлиқлаш машинасидан ўтказиш керак. Бошқа силлиқловчилар бу нормани аранг 7 соатда бажарса, Абдусамад ака эса, 4-5 соатда бажариб қўяди-да, қолган 2 соат ичида яна 100-120 юмшоқ чармни силлиқлашга эришади, Абдусамад аканинг меҳнатдаги муваффақиятларини кўролмайдиган баъзи бир ишёқмаслар шундай пичинг қилишади: «Нормани ортиғи билан бажарсангиз сизга биров раҳмат дермиди? Ёки меҳнатда шон-шуҳрат орттирмоқчимисиз?». Бунга жавобан ҳамиша босиқ ва вазмин Абдусамад ака жилмайганча шундай жавоб қилади: «Ота-онам болалигимдан мени меҳнатни севишга ўргатишган. Ҳаётнинг ўзига яраша паст-у баланд тўсиқларидан, меҳнат машақатларидан чўчимаган одам келгусида ҳақиқий инсон бўлиб етишади. Мен болаликдан меҳнатга кўникма ҳосил қилганим учун ҳозирги кунда ўз касбимнинг устаси, илғор ишчи бўлиб етишдим. Шунинг учун мен меҳнат қилаётган пардозлаш цехи коллективи мени доимо қадрлаб, эъзозлайди, ҳурмат қилади. Эл эъзози, коллектив ҳурмати — шунинг ўзи мен учун катта мукофот. Мен ўзим учун эмас, давлатимиз янада равнақ топиши учун, халқимиз янада фаровон яшаши учун кўтаринки руҳда меҳнат қиламан».

Сафо ака билан «Бирлик» массивига етиб келганимизда қуёш ботиб, борлиққа оқшом чўккан эди. Биз бу ерга, бетоблиги сабабли ишга бормаётган Абдусамад аканинг ҳолидан хабар олиш учун келаётган эдик. Абдусамад ака истиқомат қиладиган кўчага бурилдик. Абдусамад ака уйи ёнидаги кичкинагина «томорқасида» ўроққа келиб қолган кўм-кўк бедаларни ўраётган эди. Ёнида икки-уч яшар чамасидаги қизалоқ невараси оппоқ, нозиккина қўллари билан ўзича бувасига ёрдамлашмоқчи бўлиб, бедани юлишга ҳаракат қиларди.

— Ҳормангли, ҳормангли, ота-болалар!

— Ие, не, келинглар, Буни қаранг, иш билан овора бўлиб, сизларнинг келганларингизни ҳам пайқамай қолибман,— деди биз билан сўрашаркан Абдусамад ака.

Сўнгра у бизни уйига бошлади...

Ники кундан кейин Абдусамад ака соғайиб, ишга чиқди.

Навбатдаги тушлик пайтида чойхонада гурунглашиб ўтирганимизда Сафо ака Абдусамад акага теккизиб:

— Бетоб бўлса ҳам тинч турмайди бу одам! Биз уйларига борган кунимиз беда ўраётган эканлар,— деди.

— Ҳаракатда-баракат, дейдилар.

— Ишсиз ўтириш менга ёт нарса. Одатим шу, бетоб бўлиб қолган кунларим ҳам тинч ўтиролмайман. Ахир, ишсиз ўтириб бўладими?!

— Қани энди сизга ўхшаган азаматлар цехимизда яна бир-иккита бўлса, доим ошиғимиз олчи бўлар эди. Бугун ҳам ишни дўндиряпсиз: икки ишчининг нормасини бажаряпсиз. Ҳимматингизга балли-е, азамат!

Ҳа, чиндан ҳам Абдусамад ака доим кунлик нормасини ортиғи билан бажарадиган азамат ишчи. Кўн заводига ишга келганига 30 йилдан ошибди-ки, ҳамон ўз касбини эъзозлаб, ардоқлаб келмоқда. Шу йиллар ичида қанчадан-қанча шогирдлар тайёрлаб, уларда меҳнатга муҳаббат уйғотди. Коллектив ҳамда завод раҳбарларининг ҳурматини қозонди. Меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари эвазига корхона маъмурияти томонидан қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди. Абдусамад ака фақатгина яхши ишчигина эмас, балки юксак онгли, юқори маълумотли, маданиятли киши ҳамдир. У кунлик вақтли матбуот нашрларини, бадиий асарларни ўқишни ҳеч канда қилмайди. У ўзининг юксак сиёсий онглилиги билан бошқаларга намуна бўлади. Шундай одамлар ҳамиша бор бўлсин!

И. ЗОИРОВ,

«Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-кўн заводи пардозлаш цехи ишчиси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

АНҚАРА. Турк гражданларидан 12 миллион киши— мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмидан кўпроғи оддий турмуш қулайликлари бўлмаган шароитда: йўқсизлик шароитида, водопроводсиз ва электрсиз яшамоқда. Туркия қишлоқ жойлари ва кооперативлари иши министрлигининг бу ерда эълон қилинган докладида ана шу маълумотлар келтирилади.

* * *

ИСТАНБУЛ. Кейинги 12 ой мобайнида Истанбулда озиқ-овқат маҳсулотларининг ва энг зарур молларнинг чакана нархлари ўрта ҳисобда 30 процентдан зиёд ошди. Истанбул савдо палатасининг «Гюнайдын» газетаси келтирган маълумотларга кўра, ун, қанд, сут, ёғ, консерва сингари маҳсулотлар айниқса кўп қимматлашган.

Бу ерда Туркиядаги энг кўхна ўқув юртларидан бири — «Галатасарай» лицейи ташкил этилган кунинг 500 йиллигини байрам қилиш маросими бўлиб ўтди. 1481 йилда ташкил қилинган бу лицей мамлакатда биринчи ўқув юрти бўлди.

Давлат бошлиғи, Туркия миллий хавфсизлик кенгашининг ранси генерал К. Эврен ана шу шонли сана муносабати билан йўллаган табрик телеграммасида Галатасарай лицей барпо этилган вақтдан буён Туркияда илмий тафаккурнинг қарор топиши ва ривожланиши ишига катта ҳисса қўшди, деб хабар қилади «Милет» газетаси.

* * *

РАБОТ. Марокаш пойтахтида халқ усталари яратган буюмлар кўргазмаси давом этмоқда. Ана шу тадбир билан мамлакатда халқ ҳунармандчилиги анъанавий ойлиги бошланди. Шу ойлик давомида Марокашнинг кўпгина шаҳарларида кўргазмалар ташкил этилади, халқ ҳунарларининг ҳар хил турлари юзасидан энг моҳир усталарни аниқлаш учун конкурслар ўтказилади.

* * *

ТУНИС. Тунис ва Қувайт Исроилнинг Сурияга мансуб бўлган жўлан тепаликларини ўзига қўшиб олиш ниятини қатъиян қораладилар.

Қувайт шаҳзодаси ва бош министри шайх С. Ас-Сабоҳнинг Тунисга қилган визити тугагандан кейин бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда томонлар Сурияни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Улар Исроил агрессиясига қарши курашмоқ учун арабларнинг бирлиқдаги стратегияси зарур эканлигини таъкидладилар.

* * *

ЖАЗОИР. Бу ерда араб ватанпарварлик қўшиқлари фестивали ниҳоясига етди. Фестивалда 15 та араб мамлакатидан, шу жумладан Жазоир, Сурия, Ливия ва ЯХДРдан келган хонанда ва созандалар, фаластинлик арабларнинг намояндалари иштирок этдилар.

9 кун давомида Жазоир миллий театри саҳнасидан империализмни қаҳр-газаб билан фош этувчи нореҳзилик қўшиқлари янгради. Бу қўшиқлар араб халқларини Исроил агрессиясига қарши курашга даъват этди.

* * *

ҚОҲИРА. Исроилда ўтган йил давомида нарх-наво 90 процентдан зиёд ошди. Озиқ-овқат моллари ва энг зарур моллар айниқса кўп қимматлашди. Шу йил декабрь ойида мамлакатда ишсизлар сони 14 процент қўпайди. Бу маълумотлар Исроил умуммеҳнат федерациясининг ахборотида келтирилади.

Нарх-навойинг узлуксиз ўсиши, пул қадрсизлигининг и н г кучайиши, ишсизлик Исроил экономикасини милитарлаштириш оқибатидир. Расмий маълумотларга кўра, ҳарбий-саноат комплекси учун ҳар йили давлат бюджетининг учдан бир қисмидан кўпроғи сарфланмоқда.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЙИЛ

БЕРЛИН. ГДР халқ хўжалиги асосий тармоқларидан бири — машинасозлик саноати меҳнаткашлари ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Республикадаги барча саноат маҳсулотининг деярли тўртдан бир қисми машинасозлик саноати маҳсулотидир.

ГДРда энг катта комбинатлардан бири — «Такраф» комбинатининг 40 минг кишилик коллективи ГБСП X съезди қарорларини муддатидан илгари бажариш учун ГДР машинасозлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Шу комбинатнинг корхонлари тоғ-кон саноати учун асбобускуналар, ГДР халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлатиладиган қудратли кранлар, транспортерлар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

Комбинат маҳсулоти социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида яхши шуҳрат қозонган. У ишлаб чиқараётган буюмларнинг кўпчилик қисми шу мамлакатларга юборилмоқда. СССРнинг ўзидагина ҳар бири 250 тонна юк кўтарадиган қариб элликта темирйўл, порт кранларидан фойдаланаётганлиги н и айтиб ўтиш кифоя.

ЯНГИ КОН ҚУРИЛМОҚДА

БУДАПЕШТ. Венгриянинг Веспрем вилоятидаги Феньеф поселкасида 600 минг тонна боксид қазиб оладиган янги кон қуришга киришилди. Бу конни 1985 йилда қуриб битказиш мўлжалланади.

Ҳозирги вақтда Венгрия алюминий ҳосил қилиш учун керак бўлган ана шу хом ашёни қазиб чиқаришда Европада биринчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Республика кончилари ҳар йили қарийб 3 миллион тонна боксид қазиб олмоқдалар.

Кўп ишлаб чиқарилди

БУХАРЕСТ. 1981 йили Руминияда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1980 йилдагига нисбатан 23 миллиард лейлик кўпайди. 620 хил янги буюм, шу жумладан пармалаш қурилмаларининг, экскаваторлар, кема двигателлари, электровозлар, қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Тимиш уезидаги 48 корхона йиллик план топшириқларини барвақт адо этди. Булар орасида мамлакатда машҳур «Электротимиш», «Технометалл» заводлари бор. Мана шу уезднинг саноат корхоналаригина йил охиригача планга қўшимча равишда 350 миллион лейлик ҳар хил буюмлар ва асбобускуналар ишлаб чиқарди.

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

ВАРШАВА. 1981 йилнинг сўнгги кунларида Польшанинг кўпчилик корхоналаридаги меҳнат суръати тобора кучайиб борди. Ахборот органларининг хабарларига қараганда, айниқса Польша халқ хўжалигининг энг муҳим объектларида — Пулава шаҳридаги «Азот» комбинатида, шуниндек «Кензежин» химия комбинатида, «Катовице» металлургия комбинатида уюшқоқлик ва аҳиллик кучайиб бормоқда. Меҳнат коллективларида танглиги бартараф этишнинг биринчи галдаги вазифалари актив муҳокама қилинмоқда, қийинчиликларни тугатиш йўлидаги курашда жипслик бўлиши зарурлиги таъкидланмоқда. Кўмир қазиб чиқариш кўпайиб бораётганлиги тўғрисида хабарлар олинмоқда. Польшанинг кейинги кунларда одатдан ташқари кўп ёнгинларчилик бўлган, шунинг натижасида сув тошқини хавфи вужудга келган районларидаги вазият ҳам осойишта, батартиб бўлиб турибди. Шчецин воеводалигининг бир қанча жойларида табиий офат ҳолати эълон қилинди. Бу районларнинг аҳолисига ҳарбий бўлинмалар, кўнгилларнинг отрядлари эудлик билан ёрдам бермоқдалар.

Польша оммавий ахборот воситалари ПХР жамоатчилигининг АҚШ президенти Р. Рейган айтган гаплар, шунингдек Совет Иттифоқига душманлик чоралари кўриш тўғрисидаги гаплар ҳусусида билдираётган фикрлари эълон қилмоқда.

«Поляклар ўз муаммоларини ҳақиқатдан ҳам ўзлари ҳал этишлагач ғарбдаги оммавий ахборот воситалари тўғрисида гапирмаганда ҳам, Ғарбдаги расмий арбоблларнинг бирталай қисми шу пайтгача тез-тез такрорлаб келган гапларини бамисоли унутиб қўйгандек бўлдилар, — деб ёзади «Трибуна люду» газетаси. — Дарҳақиқат — поляклар ўз муаммоларини ўзлари ҳал қилишлари керак. Хўш, ҳозирги вақтда йирик капиталга қарашли матбуот нечун социалистик Польшага нисбатан васваса ва нафрат сўзларига тўлиб-тошиб чиқмоқда? Бир жиҳатдан олганда, бу «Польша дўстлари»нинг умидлари пучга чиққанлигининг табиий натижасидир.

Ҳозирги мураккаб ва фавқулодда вазиятда Европадаги ҳеч бир кимса Польшага қарши молиявий-кредит соҳасида лўттибозлик қилишга умид боғламаслиги лозим», — деб ёзади сўнгра газета.

Ғарбдаги қўпорувчи радиостанциялари и н г Рождество байрами кунларидаги эшиттиришларга тўхталиб, газета бу эшиттиришлар поляклари бирбирига қарама-қарши қилиб қўйишга, уларни ҳарбий ҳолат қонунларини бузишга, итоатсизликка ундашга мўлжаллаган гиж-гижловчилик программалари бўлди, деб таъкидлайди. Ғарбдаги радиостанциялар безовталик муҳитини вужудга келтириш учун шу байрам кунларидан қора ниятлар йўлида фойдаландилар. «Эркин Европа», «Немис тўлқини». «Би—Би—Си», «Америка овози» дан кетма-кет ёлғон-яшиқ хабарлар ёғдирилмоқда, деб таъкидлайди газета.

АҚШ президенти, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, Польшанинг молиявий аҳволини яхшилашга муайян даражада кўмак берадиган, Польшанинг қарзини тўлашни тезлаштириш, иқтисодий тартибни изга солиши лозим бўлган кредитлар чеклаб қўйилишини айтди. Деман бундай ёрдам социалистик тузумга қарши, Польша ҳукуматининг суверен тадбирларига қарши қаратилган сиёсатнинг қуроли эканлиги маълум бўлди, деб ёзади сўнгра газета.

Рейган Америка томонидан қилинадиган дўқ-пўписалар билангина чекланмади. У ўз иттифоқчилари олдига улар ҳам АҚШ маъмурият бошлаган ишга қўшилсинлар, деган талабни қўйди. Аммо ҒФРнинг бу хусусдаги дастлабки фикри бу даъват ҳамма жойда ҳам қабул қилинмаганини кўрсатиб турибди. АҚШ президенти Совет Иттифоқига қарши гаплар айтишдан ҳам қайтмади ва шу тариқа гап Польша ҳақида эмас, балки бошқа хусусда ҳам бораётганини кўрсатиб қўйди. Польшадаги аҳвол бунинг учун катта сиёсий ўйин бошлаш, учун бир баҳона бўлди, холос. Поляк халқи қийин кунларни бошидан кечирмоқда, Америка президенти эса бу қийинчиликларни янада мушкуллаштиришга қарор берди. Аммо биз бу қийинчиликларни енгамиз. Бунинг учун поляк халқининг иродаси ва қатъияти етарли, унинг чин дўстлари ҳам бор, деб таъкидлайди «Трибуна люду» газетаси.

Иқтисодий тежаш планлари

ПРАГА. Ўтган йили материаллар ва энергияни тежаб сарфлашда ўрнак кўрсатган ЧССР корхоналари орасида Броно шаҳридаги мамлакатда энг катта «Збройовка» комбинати ҳам бор. Шу комбинат заводларининг коллективлари технологияни такомиллаштириш, тежамлироқ ускуналар ўрнатиш, ёнилғидан иккинчи марта фойдаланиш ҳисобига электр қувватини тежаш юзасидан белгиланган планни бажардилар.

ҲИНДИСТОН—ТУРИЗМ МАМЛАКАТИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда туризм билан шуғулланувчи миллий кенгаш тузилди. Бу кенгаш, деб хабар қилди парламентда туризм ва граждан авиацияси министри А. П. Шарма, мамлакатда туризмни ривожлантириш билан шуғулланаётган турли министрлик ва департаментларнинг намояндаларини бирлаштиради.

Чет мамлакатлардан, шу жумладан СССРдан Ҳиндистонга ҳар йили 1 миллионга яқин меҳмон келиб кетади. 1990 йилга бориб эса улар 3,5 миллион кишига етади. Саёҳат ишқибозларини Махабалипурам архитектура ёдгорликлари, Ажанта фрескалари ва Эллора ғоридаги обидалар, шунингдек нодир тошлар билан безатилган Тож-маҳал мақбараси сингари бутун жаҳонга машҳур ажойиб жойлари ўзига жалб этади.

Туристларнинг яхши дам олишлари учун зарур шароитлар яратилмоқда. Мавжуд аэропортлар ва меҳмонхоналар кенгайтирилмоқда ва янгилари қурилмоқда, янги маршрутлар ташкил этилмоқда.

НОХУШ ХАБАРЛАР

БОННН. Ғарбий Германия гражданларини кириб келган йилда ишсизликнинг янада кўпайиши ва иқтисодий қийинчиликлар кутмоқда. Меҳнат масалалари билан шуғулланувчи федерал бошқарма президенти И. Штингель «Вельт ам зонтаг» газетаси мухбири билан суҳбатда «ортиқча» кишилар армияси 2 миллионга етади, деб айтди. У бу соҳада бирон-бир яхшилик рўй беришини гумон остига олди.

ҒФР хўжалик министри О. Ламбсдорф бошқа бир мухбир билан суҳбатда келгуси йили ҒФР гражданларининг моддий аҳволи 1977—1978 йиллардаги даражагача пасайиб кетади, деб тан олди.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

Шонли юбилейга бағишланади





Узбекистон Рассомлар союзининг Марказий кўргазмалар залида монументал-рассомлар асарларининг виставкаси очилди. Виставка Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 60 йиллик юбилейига бағишланган. Унда республикамиз мўйқалам усталарининг кўпгина асарлари— эскизлар, фотосуратлар, тасвирий ва график композициялар намойиш этилмоқда.

СУРАТЛАРДА: А. Ситниковнинг «Хотира» триптихидан, олий милиция мактабининг олд томони безагидан, Я. Сальпиккидининг «Темир қушлар ҳақида афсона» ва Ч. Аҳмаров асарларидан репродукциялар.

Р. Загратдинов фотолари.

УНУТИЛМАС СИЙМОЛАР

Инсоннят тарихининг зарварақларини варақлар эканмиз, кўплаб доноларни, фан арбобларини, шонру ёзувчиларни, хуллас буюк сиймоларни кўрамиз. Бундан буён газетамиз саҳифаларида инсонлар бахт-саодати учун фидокорлик кўрсатган буюк сиймоларнинг ҳаёти ва ижодига онд мақолалар берилади. Қуйида биринчи ўзбек календарини чоп эттирган олим Шоҳимардон ИБРОҲИМОВнинг ижодий фаолияти билан танишасиз.

«АҚЛЛИ ВА КУЗАТУВЧАН ОДАМ»

1871 йил март ойида Тошкент шаҳрида «1871 йил календари» пайдо бўлди. Бу, шаҳарда оммавий кутубхона очилганидан кейинги иккинчи ғаройиб воқеа эди. Беш юз нусхада нашр қилинган календарь қўлма-қўл бўлиб кетди. Кеч кузга яқин у яна қайта чоп этилди.

«1872 йил календари» ҳам шуҳрат қозонди. Бир йилдан сўнг бу календарь Москвада нашр этилди. Рус давлати, Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари тарихи, сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳамда турли географик маълумотларни ўзида мужассамлаштирган бу календарлардан ташқари, деворий календарлар ҳам бирин-кетин пайдо бўла бошлади. Улар ўзбек-рус тилларида ва алоҳида-алоҳида ҳолда ҳам чиқарилди. Бу календарлар Туркистон генерал-губернатори ва маҳкамасининг тилмочи, «Туркистон вилояти газети» муҳаррири Шоҳимардон Иброҳимов қаламига мансуб эди.

Ўз асрининг етук зиёлиси Шоҳимардон Иброҳимов машҳур қозоқ маърифатпарвари, саёҳатчи олим, этнограф, рус армиясининг штаб-ротмистри Чўқон Валиханов ва маслакдоши ва дўсти эди. Худди дўсти каби у қисқа, лекин сермазмун умр кўрди.

Шоҳимардон Иброҳимов саккиз йил давомида «Туркистон вилояти газети»га муҳаррирлик қилгач, 1878 йилдан генерал-губернаторнинг дипломатик ишлар бўйича амалдори этиб тайинланди. Бу маҳаллий халқдан чиққан вакилларнинг бевосита марказий бошқарувга тортилиш соҳасида фавқулодда ҳодиса эди. Албатта бунда Шоҳимардоннинг ноёб истеъдоди ва кобилияти муҳим роль ўйнади. Яна шуниси қизиқки, подшо нойби уни Қурама уездидаги жиноий ишларни текширувчи тергов комиссиясига аъзо этиб тайинлаган. 1878 йилда фош бўлган Қурама уездидаги мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ишлари Тошкентдагина эмас, балки Петрбургда ҳам катта шов-шув қўзғаб, бу иш билан хатто Россия императори Александр II ҳам шуғулланишга мажбур бўлган эди: Гап шундаки, уезд бошлиғи полковник Гуюсь, ҳарбий губернатор генерал-лейтенант Головачёв, юқори доиралар вакили, аслзода дворянлардан подшо саройи камер-юнкери Савенков катта-катта ер участкаларини олди-сотди қилиб давлатга катта зарар келтирган эди. Комиссия составидаги Ш. Иброҳимов ва Д. Гравеницкий каби бурчга содиқ кишилар ҳар қандай дўқ-пўписалар, олий амалдорлар тазйиқига қарамай, терговни изчил давом эттирдилар. Қурама уезди иши бўйича 800 дан ортиқ гувоҳлар билан савол-жавоб қилиб, бир қанча йирик амалдорларни суд жавобгарлигига тортдилар.

Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди, дейдилар. Қарангки, жиноятчи полковник Гуюсь қисқа муддатга гауптвахтага юборилди, генерал-лейтенант Головаевич жинояти оғир бўлса-да, шахсан Александр II буйруғи билан суддан озод қилинди. Подшо генерал-губернатор Кауфманга йўллаган ҳужжатда область ҳукмдори бўлган шахсга нисбатан суд жавосини қўллаш, «маҳаллий аҳоли ўртасида маъмуриятга нисбатан ҳурматни бўшаштириши» мумкинлиги билдирилди.

Шоҳимардон Иброҳимов шу тариқа ўлка ҳокимиятининг барча ишкор-чикирларидан хабардор эди. Бундан ташқари, у дипломатик вакил сифатида метрополия маркази Петербугга бориб турарди. Чет элларга, хусусан Франция ва Германияга ҳам сафар қилди.

Шоҳимардон Иброҳимов 1880 — 1881 йилларда Бухорога юборилган рус элчилигига раҳбар сифатида жўнатилди. Амир билан мазкур элчилик ҳақида лавҳалар», «Хива хонлигидаги отларнинг зотлари» (1874), «Қирғизлар турмушидан очерклар» (1876), «Чўқон ҳақида хотиралар» каби асарлар шулар жумласидандир.

Ҳ. СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

• АЖАБ ДУНЁ ЭКАН
ҒАРОЙИБ СУД

Тарихда ғаройиб суд жуда кўп бўлган. Биз ҳамиша одамлар судланувчи сифатида қора курсида ўтиришига ўрганиб қолганмиз. Қарангки, судлар жониворларни ҳам жазолашган экан. Ҳаммадан нўпроқ ҳашаротлар жабр тортишган.

1540 йилда Гимаран шаҳрида суд ҳайъати жиноятчи сифатида, биласизми кимни?... қуйларнинг ишини кўриб чиқди. Жиноятчи «ниҳоят ноёб ва пишиқ тўқилган» ғиламни бузганликда, ишдан чиқарганликда айбланган. Ниҳоят чуқур тенширишдан сўнг қуянинг жиноятини аниқланиб, унинг бошини танидан жудо қилишга ҳукм чиқарилади. Шу билан бирга, қуянинг бутун авлод-аждоди қироллиқдан бадарга этилиши эълон қилинди.

Орадан анча вақт ўтгач, 1545 йилда Франциянинг Сан-Жанде Морьенн шаҳрининг черков суди иккита адвокат ажратди: улардан бири аҳоли номидан, иккинчиси —учиб келиб экинларни пайҳон қилган чигиртқалар номидан қатнашди. Чигиртқалар бир кечада номаълум томонга ғойиб бўлганлиги туфайли суд ҳукм чиқаришга улгурмади. Орадан қирқ икки ой ўтгач, чигиртқалар яна қайтиб келишди, суд ўз ишини давом эттирди. Мана ўша суднинг ҳукми: «Черков, кўрсатилган ҳашаротлар тиричилик қилсинлари учун токзордан узоқроқ жойда уларга алоҳида ялов ажратиш адолатли деб ҳисоблайди, токи улар токларга ҳеч қандай зарар етказмай, тиричилик қилишсин».

Орадан икки ой ўтгач, ҳашаротлар адвокати епископга шикоят ёзиб, ажратилган участка ҳосилсиз бўлиб, у ерда чигиртқалар тиричилик қилишига мутлоқ имконият йўқлигини айтди.

Бундай судларнинг нўпчилик қисми Францияда амалга оширилиб, у ерда йирик шохли моллар, ҳатто отлар жазоланган эди. Германияда 1796 йилда моллар-нинг ўлимида айбдор ҳисобланган буқани тириклай ерга кўмиб юборишган.

Отлар унча оғир жазоланмаган. Маълумки, 1389 йилда одамни ўлдиришда айбланган от ўлим жазосига ҳукм қилинган. 1610 йили Парижда бошқа бир суд бўлиб, у судда фақатгина от эмас, балки унинг эгаси ҳам суд қилинди. От эгаси отни баъзи цирк машғулотларига ўргатишда айбланди. От ва унинг эгаси ўтда куйдириб ўлдирилди.

Х. ҲАКИМОВ.

Регистон: иккинчи навбат ишлари

Регистон майдонидаги Тиллакори мадрасасининг ички ҳовлиси юзига мармар қопланди. Қадимги майдон янги йилни яшариб кутиб олди. Майдонни реконструкция қилиш биринчи навбати ишлари ниҳоясига етказилди. Ўрта Осиё архитектурасининг шоҳ бинолари тиклаш янги босқичи бошланди. Архитектура ансамблини таъминлаш авторлари 1981 йилги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Ҳозир Тиллакори мадрасасининг кўриниши бундан беш аср аввал қандай бўлса худди шундай. Гумбаз тикланди, унинг ички тиллойи кошинлари кўзни қамаштиради. Шимолий галереяни кўтариб турувчи устунлар ростланди ва мустаҳкамланди, ҳужралар ремонтдан чиқарилди. Мадрасада таъмирлаш тарихи музейини жойлаштириш мўлжалланади. Бу ерда самарқандлик усталарингина эмас, шу билан бирга республикадаги барча таъмирлаш усталарининг ишлари тўғрисидаги материаллар йиғилади. Шу ерда Ўзбекистон Архитекторлар союзи бўлимининг виставкалар залини очиш мўлжалланади.

Тиллакори ёнидаги Шердор мадрасасида фольклор театри очилади. Театрнинг лойиҳаси тайёр. Регистондаги энг қадимги ёдгорлик—Улуғбек мадрасасида ғоят катта ишлар амалга оширилади. Мадрасанинг иккинчи қаватини тиклаш зарур. Бу ошён XVI асрдаёқ вайрон бўлганди. Шунингдек марказий зал устида 5 та кичик гумбаз кўтарилади. Кейинчалик бу ерда шарқ қўлёзмаларининг доимий виставкаси очилади. Очиқ ҳаводаги музей — Регистон ҳам виставка, ҳам катта театр саҳнаси бўлиб қолади.

(ЎзТАГ).

Азалдан мушукларни бирор нарсага ўргатиш, уларни инсон буюрган ишларни бажарадиган қилиш мумкин эмас, деб ҳисобланар эди. Масҳарабоз Юрий Куклачев эса бунинг уддасидан чиқди. Унинг ўргатилган мушуклари олдинги ёки орқа оёқларда юриш, турли машқларни бажаришдан ташқари кичик-кичик қулгили спектакллардаги ролларни ҳам ижро этишади.

Куклачевнинг ўзи эса ҳайвон ўргатувчи бўлибгина қолмай дор ўйнайди, пантомималар ижро этади.

СУРАТДА: масҳарабоз Юрий Куклачев цирк аренасида.

С. Козлов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Дурдоналардан-доналар

Жаҳон адабиёти хазинасига дурдона бўлиб қўшилган асарлардан бериб бориладиган намуналарни «Дурдоналардан— доналар» деб атадик.

Ф. М. ДОСТОЕВСКИЙ.

ОҒАЙНИ КАРАМАЗОВЛАР

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Умумжаҳон адабиётининг улуғ намояндаси Федор Михайлович Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо», «Ғариблар», «Ўсмир», «Телба», «Иблислар», «Оғайни Карамазовлар» сингари йирик романлари ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмидаги рус ҳаётининг мислсиз бадиий қомусидир. Бу асарларда улуғ адиб ҳалокат ёқасига йўл тутган, даҳшатли ҳаёт исканжасида эзилган, ижтимоий иллатлар, урф-одатлар, асарларнинг оғир юки остида аламзада бўлган инсонни қутқариш, унга инсонликнинг беҳад буюк шарафини қайтариш, одамни унинг одамийлиги билан мушарраф қилиш ғоясини кўйди. Ва бу улуғвор ўлмас ғоянинг тенгсиз бадиий реализм билан ифодаланди. Шу маънода улуғ рус адибининг «Оғайни Карамазовлар» романи янги замонининг чинакам «Илоҳий комедия»си бўлиб қолди. Достоевский ижодига қизиқиш жаҳонда ғоятда қудратли бир тусга кирганидир. Узбек адабиётида ҳам кейинги ўн йил ичида Достоевский асарларини таржима қилишга катта қизиқиш бошланди. Таниқли олим ва таржимон Иброҳим Ғафуров буюк ёзувчининг «Жиноят ва жазо», «Телба» сингари йирик романларини ўзбек китобхонига тақдим қилди. Ўзбек китобхони Достоевскийнинг поёнсиз бадиий оламини ўзлаштирмоқда. Ҳозир Иброҳим Ғафуров Достоевскийнинг «Оғайни Карамазовлар» романини таржима қилиш устида ҳам ишламоқда. Эътиборингизга шу улуғ романдан айрим парчалар тақдим этамиз. Бу бобларда ака-укалар ва ота Карамазов ўртасидаги оғир фожиавий тўқнашуслардаги мураккаб, зиддиятли ҳаётнинг ўзи акс этган.

КОНЬЯК ИЧИБ ЎТИРИБ

Тортишув тугади, лекин қизиқ, бунчалар очилиб-сочилиб ўтирган Федор Павлович охирига бориб бирдан қовоқ-тумшуғини солиб олди. Қозоғини очмаганча, коньякдан яна битта ташлади, ростини айтганда буниси энди жуда ортиқча бўлди.

—Қани бу ердан туёқларингни шиқирлатиб қолларингчи, хей тирранчалар,— деб қичқирди у хизматкорларига.— Сен ҳам жўна, Смердяков. Бугун ваъда қилинган чирвонни бериб юбораман, бор кетавер. Йиғлама, Григорий, Марфанинг олдига жўна, сени овунтирибдмі, ухлагани ётқизади. Тушликдан кейин маза қилиб жимгина ўтиргани қўймайдилар, галварслар,— деб норози бўлиб тўнғиллади у хизматкорлар жадал чиқиб кетишгач — Смердяков ҳам тушликка кунда шунда бўлиб қолди, сенинг ёнингдан нари кетгиси келмайди, уни кендай қилиб бунчалар ўзингга оғдириб олдинг?— деб қўшимча қилди у Иван Федоровичга қараб.

— Ҳеч нарса қилганим йўқ,— деб жавоб берди Иван Федорович,— мени ҳурмат қилгиси келиб юрибди; ғўдайган ювиндихўр. Пеш ғўшт, албатта, ўз мавруди билан.

— Пеш дейсанми?

— Бундан бошқачароқлар ва яхшироқлари ҳам бўлади, лекин шундайлари ҳам бўлади. Аввало шундайлари бўлади, улардан кейин тузукроқлари.

— Мавруди дейсан, мавруди қачон келади?

— Ракета ярқ этиб ўт олар, ўт олиб улгурмас ҳам балким. Ҳалқ бу ошпазларни ҳозирча сира эшитгиси йўқ.

— Буни қара-я, оғайни, инчунин Билеамнинг эшаги ўйлаб, ўйлаб, охири нималарни ўйлаб топмайди-я, таъба қилдим.

— Фикр йиғади,— деб киноя билан иршайди Иван.

—Буни қара-я, биламан, унинг мени ҳам, бошқаларни ҳам кўргани кўзи йўқ, сени ҳам жини суймайди, ваҳоланки, сенга худди ҳурмат қилаётгандай бўлиб кўринади. Алешкани-ку асти қўяверасан, Алешкани жонидан ҳам ёмон кўради. Бундай одам бировнинг нарсасини ўғирламайди, рост айтяпман, бировни ғийбатини қилмайди, миқ этиб оғзини очмайди, уйдагини ташқарига чиқармайди, ичига карам, балиқ солинган бўғирсоқ десанг, боплаб пиширib келади, э, кўп гап эшакка юк, бизга нима, менга деса, жин урмайдими, гапнинг пўст калласини айтганда, у оғиз кўпиртириб гапириб ўтиришга арзимайди, тўғрими?

— Албатта, тўғри.

— Бошқа бир жиҳатдан унинг ўзи ҳақидаги фикри жуда баланд бўлса ҳам керак, лекин шунга келганда, сизга айтиб қўйишим керакки, умуман олганда, рус мужигини калтаклаб туриш зарур. Мен доимо шундай ақидада бўлганман. Бизнинг мужигимиз муттаҳам бўлиб кетган, унга раҳм-шафқат қилиб ўтиришнинг кераги йўқ. Шунисига суюнманки ҳали ҳам бўлса уни калтаклаб туришади. Рус замини қайин билан мустаҳкам. Ўрмонларни кесиб қуритганларидан сўнг рус ери ҳам хароб бўлади. Мен ақлли одамларни яхши кўраман. Ақлимиз ошиб кетиб, биз мужикларни қамчилашни йиғиштириб қўйдик, энди улар ўзларини ўзлари таёқлайдиган бўлиб қолдилар. Чакки эмас бу Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, тўғрими гапим... Тошу тарозудан қочиб қутулиб бўлмайди. Россия деганингиз чўчқа. Азизим, Россияни қанчалар ёмон кўришимни билсайдинг... яъни мен демократиякки, Россияни эмас, унинг барча мана шундай иллатларини... ундай десам, Россияни деганим ҳам тўғри. Буларнинг бари чўчқалик. Биласанми, мен нимани яхши кўраман? Мен заковатни яхши кўраман.

— Сиз яна ичдингиз. Бас қилсангиз бўларди.

— Шошма, мен яна битта, ундан кейин яна битта, ундан кейин тўхтатаман. Йўқ, шошма, сен гапимни бўлиб кўйдинг. Мокрийда бўлганимда бир чолни гапга тутдим, менга айтган гапини эшит: «Биз, дейди, қизларни айбситиб, уларни калтаклашни жонимиздан ҳам яхши кўрамиз, бечораларни тағин йиғитларга калтаклатамиз. Эрта бириси кун бугун калтакланган қизни йиғит ўзига қаллиқ қилади. Шундай бўлгандан кейин дейди, қизларнинг ўзига қолса калтаклаб турганлари ҳам тузук». Мана шундай маркиз де Сад бўлиб кетган булар, қалай, тузукми? Лекин сен қандай ўйлайсан, билмадиму, менга қолса, бу заковатдан. Биз ҳам бир айланиб бориб томоша қилиб келмаймизми? Алешка, қизариб кетдингми? Уялма, болам. Ҳозир ачиниб ўтирибман, боя игуменнинг олдида мехмон бўлиб қолганимда, роҳиблар-га Мокрийнинг қизлари ҳақида ҳикоя қилиб берардим. Алешка, жахлинг чиқмасин, боя игуменингни ранжитганимга. Менинг қоним қайнаб кетади, оғайни. Ахир, мабодо худо бўлса, худо бор экан,— албатта, унда мен гуноҳкорман ва гуноҳимга яраша жавоб бераман, мабодо умуман йўқ бўлсачи, унда сенинг ота пирларингга ҳали бу ҳам камлик қилмасмикин деман, ларбай? Унда каллаларини шартта кесиб ташласанг ҳам ўз, негаки, улар тараққиётнинг йўлига ғов бўлмоқдалар. Иван, мени нима қийнайди, биласанми, ишонасанми шунга. Йўқ, сен ишонмайсан, ишонмаганингни кўзларингдан ўқиб турибман. Сен одамларга ишонасан, мени қуруқ масхаравоз деб ўйлайсан... Алеша, мен масхаравоз эмасман, ишонасанми шунга?

—Шунга ишонаман масхаравоз эмассиз.

— Ишонаман сенинг ишонишингга, сен бунчин юракдан айтдинг. Самимий қараб, самимий гапирясан. Иван эса ундеймас. Иван такаббур... Сенинг ўрнингда бўлганимда, монастирни бир чеккага йиғиштириб қўйган бўлардим. Қанийди шу диний рўёни бирваракайига олсангу, бирваракайига бутун рус ерларида чиппакка чиқариб йўқотиб ташласанг, ҳамма каллаварамларнинг ҳушини бирваракай жойига келтириб қўйсанг. Кумушу олтинларни айтмайсизми, давлат казнонига қанчадан қанча олтин, кумуш тушган бўларди?

— Бекор қилишнинг нима кераги бор,— деди Иван.

— Ҳақиқат тезроқ зиё сочсин, ана шунинг учун.

— Агар мабодо ўша ҳақиқатингиз зиё сочадиган бўлса, унда аввал бошдан ўзингизни талон-тарож қилишади, ана ундан кейин... бекор қилишади.

— Вох! Буни қара-я, гапинг ростга ўхшайди. Вой моча эшак-ей —деди Федор Павлович пешонасига аста шапатилаб қўйиб.— Э, унда монастирнинг ўз жойида қимирламай турарэрсин, Алешка, кўзгатиб нима қилдик. Биз ақлли одамлармиз, иссиққина ўрнимизни совутмай маза қилиб коньяк тортиб ўтираверайлик. Иван биласанми, худонинг ишлари атайлаб худди мана шундай қурилганга ўхшайди, тўғрими? Иван, ўзинг айт: худо борми, йўқми? Шошма: тўғри, сини айт, очиғини айт! Яна нимага иршаясан?

— Боя Смердяков тоғларни ҳам ўрнидан жилдирадиган икки чол бор эмиш деганда, унга боплаб жавоб берган эдингиз, шунга кулгим қистади.

— Ҳозир ҳам шундай бўлдими?

— Жуда ҳам.

— Унда демак, мен ҳам рус кишиси эканман, фаҳлим рус фаҳли, сен файласуф боласан, лекин сени ҳам худди мана шундай фаҳлингдан тутиш мумкин. Тутиб олишимни хоҳлайсанми? Ғаров бойлашаманки, эртагаёқ тутиб оламан. Лекин барибир менга айтчи: худо борми, йўқми? Фақат очиғини айт! Мен очиғини айтганни яхши кўраман.

— Йўқ худо, йўқ.

— Алёшка, худо борми?

— Худо бор.

— Иван, мангулик борми, шу десанг, жиндаккина. озгинагина бўлса ҳам борми?

— Мангулик ҳам йўқ.

— Сира ҳам йўқми?

— Сира ҳам йўқ.

— Яъниқи мутлақо бўм-бўш ёхуд шунга яқин, Балким қандайдир алланима бордир? Ахир нима бўлганда ҳам қуп-қуруқ эмасдир!

— Мутлақо йўқ.

— Алешка, мангулик борми?

— Бор.

— Худо ва бақо шунда-ймі?

— Худо ва бақо. Мангулик худонинг ўзидадир.

— Ҳим. Афтидан, Иваннинг гапи тўғрига ўхшайди. Э худо, одам боласи мана шу рўёга қанчадан қанча куч-қувватини берди, имонини бағишлади, минг-минг йиллардан бери шундай давом этиб келади. Одам боласининг устидан ким бундай қилиб кулиб келади? Иван? Охирги марта сўраймаман, ростигни айт: худо борми, йўқми? Мен охирги маротаба сўраяпман!

— Охирги марта сўрасангиз ҳам, йўқ деб жавоб бераман.

— Одамларнинг устидан ким куляпти, Иван?

— Шайтон кулаётгандир балким,— деб иршайди Иван.

—Шайтон борми?

— Йўқ, шайтон ҳам йўқ.

— Афсус. Жин урсин, худони биринчи бўлиб ўйлаб топган одам қўлимга тушса, ўзим биладим уни нима қилишни! Уни тоғ теракнинг аччик шохига осанг ҳам камлик қилади.

— Агар худони ўйлаб топишмаганда, кейинги тараққиёт ҳам бўлмас эди.

— Бўлмас эди дейсанми? Худо бўлмаса-я?

— Шундай. Коньяк ҳам бўлмасди. Лекин энди коньякни олиб қўйишга тўғри келади.

— Шошма, шошма, шошма, бўтам, яна битта отай. Мен Алешани хафа қилиб қўйдим. Сен хафа бўлдингми, Алексей? Ўзимнинг жондан азиз Алексейим, Алексейжон!

— Йўқ, хафа эмасман. Сизнинг қандай фикрда эканлигингизни биламан. Сизнинг дилингиз, ақлингиздан кўра яхширок.

— Менинг юрагим ақлимдан яхширок эканми? Э худо, кимдан эшитяпман бу гапларни? Иван, сен Алешкани яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман.

—Уни сев. (Федор Павловичнинг кайфи ошиб борарди.)— Менга қара, Алеша, мен боя карияни ранжитиб қўйдим. Лекин мен ўзим тутақиб турган эдим. Ваҳоланки ўша чол жуда закий, сен нима деб ўйлайсан, Иван?

—Заковатли бўлса керак.

— Бор, бор. Пиронни эслатади. У жуда маккор, яъни рус демократиясининг ўзини шу қийин солиб кўрсатишга мажбур эканлигидан қаттиқ норози лекин буни жуда сир тутади. Олижаноб одамларнинг барида шундай бўлади... ўзини авлиё қилиб кўрсатаетганлигидан ғазаб-панади.

— Ахир у худога ишонади-ку.

[Давоми бор].

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

М. НОРҚУЛОВ: 25 йиллик иш стажига эга бўлган ўқитувчига ойлик маошининг қирқ процента тўланар экан. Ана шу пулни ҳеч қаерда ишламаса тўлайдими ёки колхоз ишлаб чиқаришида ишласа ҳам тўлайверадими?

Жавоб: Мактабларнинг ўқитувчилари ўз соҳаларида 25 йил ишлаганларидан сўнг, улар касаллик ёки бошқа сабабларга кўра пенсияга чиқмоқчи бўлсалар, узоқ муддат хизмат қилганликлари учун ойлик маошларининг 40 процента миқдорида тўлиқсиз пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар. Бундай пенсия ҳеч қаерда ишламаган тақдирдагина тўланади. Аёл ёки эркак педагог ёши етганда тўлиқсиз пенсияни қариялик пенсиясига расмийлаштириб олади.

* * *

Д. ОЛИМОВ: Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш тўғрисида ВЦСПС қарори чиқиби ди. Бу қарорда уруш қатнашчилари учун қандай имтиёзлар берилганлиги ҳақида маълумот бересанг.

Жавоб: ВЦСПС Президиуми ҳақиқатан ҳам 1980 йил 6 августда «Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг санаторий-курортларда даволанишлари ҳамда дам олишларини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган. Қарорда белгиланишича, 1981 йилдан бошлаб пенсияда бўлган ҳамда ишламаётган Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг аҳолида белгиланган санаторий-курортларда даволанишлари учун социал-таъминот органларини қўшимча равишда путёвкалар билан таъминлаш кўзда тутилган. Булардан ташқари, мамлакатимиздаги курортларга путёвкасиз келган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун ўша жойнинг ўзида амбулатория-курортда даволанишлари учун курсовка сотиш кўзда тутилган. Умуминтифоқ-курортларига октябрдан апрелгача курсовка сотиб олган Улуғ Ватан уруши қатнашчилари (қолган курортларда бутун йил бўйи) фақат турар жой ва овқат учун ҳақ тўлайдилар, даволаниш эса, —давлат социал страхованиси бюджети ҳисобидан бўлади.

* * *

В. БЕРДИЕВ: Кўп болали оиламиз. Умр йўлдошим Қаҳрамон она. Давлат Қаҳрамон оналарга катта ғамхўрлик кўрсатяпти. Биз ҳам навбатсиз уй-жой олишимиз мумкинми?

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам партия ва ҳукуматимиз кўп болали оналарга катта ёрдам ва имтиёзлар бериш тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатиб келяпти. Республикамизда ҳар бир ишчи ёки хизматчи оиласига иш жойидан навбат билан квартира берилади ёки тор квартирани кенгига алмаштирилади. Сиз меҳнат қилаётган «Узбум» комбинатида ҳам ишчи ва хизматчиларга навбат билан турар жой берилиши керак.

∴ ∴ ∴

О. ТУРСУНОВА: Кам даромадли оилаларга ёрдам пули берилиши керак экан, деб эшитдик. Мен уйбекасиман. Эрғоғим бензаколонкада ишлайди. У ердан оиламиз фарзандлари учун ёрдам пули бершмаяпти. Шу тўғрими?

Жавоб: Кам даромадли оилалар фарзандларига эр ёки хотиннинг иш жойидан бола 8 ёшга тўлгунга қадар ойига 50 сўмдан ёрдам пули расмийлаштирилади. Шунинг учун эрингиз ишлаётган бензаколонка қайси идорага қараш ли бўлса, ўша ташкилотда болаларга ёрдам пули расмийлаштиришга комиссия бўлиши керак. Сиз ҳам турмуш ўртоғингизни иш жойидан фарзандларингиз учун ёрдам пули олиш ҳужжатларини расмийлаштиришингиз мумкин.

Шаҳардаги 22-мактабда «КПСС XXVI съезди ва ўсиб келаётган ёш авлодни атеистик руҳда тарбиялашнинг актуал масалалари» мавзуида бўлиб ўтган семинарда шаҳар мактабларининг вакиллари иштирок этишди. Унда химия, география, биология бўйича очиқ дарслар ўтказилди, атеистик пропаганда бўйича вазифалар белгилаб олинди.

СУРАТДА: семинар қатнашчиларидан бир группасини кўриб турибсиз.

Р. Альбенов фотоси.

• *Аҳолига қулайлик*

Такомиллаштирилган автобус

БУГУН

пойтахтимиз кўчаларида «Икарус—280» маркали янги автобуслар пайдо бўлди. Кўриниши чиройли ва барча қулайликлари бўлган бундай янги автобуслар ҳозирча бармоқ билан саноқли.

Тошкентдаги 2-автобус парки қардош Венгрия Халқ Республикасининг «Икарус» корхонасида тайёрланган такомиллашган янги сериядаги автобусларни ола бошлади. Янги келтирилган машиналар Юнусобод массиви — Авиасозлар шаҳарчаси оралигида қатновчи 72-маршрутга қўйилган. Тажрибали ҳайдовчилардан А. Расулов, В. Батаев ва бошқалар бу машиналарни бошқаришмоқда. Автобуснинг салонида 109 киши жойлашади. Йўловчиларнинг юриши учун барча қулайликлар яратилган. Машина двигателининг қуввати кучайтирилган ва тормоз системаси жуда тез ишлайди.

Корхона яқин кунларда бундай автобуслардан катта партиясини олади.

● БИЛИМ МАСКАНЛАРИДА

«КАСБИМ—ФАХРИМ»

Охунбобоев номли медицина билим юрти Тошкентдаги кекса ўқув даргоҳларидан биридир. У ўзининг узоқ йилларги фаолияти даврида 10 минглаб ёшларга касб ўргатиб шифо масканларига узатди. Бу ерда куни кеча бўлажак ҳамшираларнинг «Касбим— фахрим» деган кечаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати шоира Гулчеҳра Нуриллаева ва шоир Раззоқ Абдурашидов ёшларга ҳаётда касбни тўғри танлай билиш, уни ҳамиша эъзозлаб ўрганиш ҳақида мазмунли ҳикоя қилиб беришди ва касбларни улуғловчи шеърларини ўқиб беришди.

Кечада Навоий номли Ўзбек давлат Катта академик театрининг солистлари М. Норқулов, Б. Турсунметов, Х. Саидов, Тошкент давлат консерваториясининг студентлари Н. Носиров, А. Мадисаев ва бошқалар турли қўшиқлари билан кеча қатнашчиларини мамнун этдилар.

● БИЛИБ ҚУЙГАН ЯХШИ

ИДИШ-ТОВОҚЛАРНИ ЮВГАНДА

Аксарият хонадон бекалари ошхона жиҳоз ва ашёларини ювишда, тозалашда кимёвий ювувчи воситаларга «мурожаат» қилишади. Шуни эсда сақлаш керакки, кимёвий совун кукунларининг барчаси ҳам инсон саломатлигига бир қадар зарарли таъсир кўрсатмасдан қўймайди.

Кийим-кечакни, матоли нарсаларни ювишда асқотадиган кимёвий совун кукунлари («Лотос», «Айша», «Персоль» ва бошқа) юза актив хусусиятига эга, улар билан идиш-товоқ ювиладиган бўлса, қанчалик буюм чайилмасин идишда қатра қолган кимёвий модда одам организмига тушгач, салбий таъсирини кўрсатмасдан қўймайди. Шу туфайли ҳам истеъмол воситасида қўлланиладиган идишларни ювишда фақат махсус маркали совун кукунларидан фойдаланиш мумкин. Идиш-товоқларни ювишда қўл келадиган ва саноат миқёсида чиқарилаётган «Прогресс», «Посудомой», «Специальная» номи билан юритилувчи совун кукунларидан фойдаланилса бўлади. Бу ювувчи воситаларнинг ёрлиқларида қандай фойдаланиш йўллари кўрсатилган.

Идиш-товоқларни ювишда энг беозор ювувчи омиллардан ҳардал кукуни (горчица), ичимлик содаси, шунингдек хўжалик совуни ҳисобланади. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, нутрун (сода) билан алюминли идишларни ювиш тўғри келмайди. Чунки алюминли идишлар сода таъсирида ўз жилосидан маҳрум бўлиб, хира тус олади.

Шуни айтиш керакки, ошхонада ювувчи ва тозаловчи шунингдек ҳашаротларга қирон келтирувчи омилларни сақламаслик керак. Чунки бу кимёвий препаратлар, яъни сунъий ювувчи воситалар билан фавқулодда заҳарланишлар қайд қилинган. Сунъий ювиш воситаларини болаларнинг қўли етмайдиган ҳолироқ жойларда, белгиланган ҳолда сақланиши лозим.

Д. ХУЖАЕВА.

Собир Раҳимов районига қарашли В. И. Ленин номли 28-ўрта мактаб шу кунларда ўқувчилар билан янада гавжум бўлмоқда. Қиш либосига бурканган мактаб залида янги йил карнавали ўтказиляпти. Карнавалда учта тўқиз ва учта ўнинчи синф ўқувчилари ўзраро куч синашяптилар.

СУРАТДА: қатнашчилардан бир группаси томошабинларга ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар.

Х. Мирзакаримов фотоси.

● ТАБОБАТ ҒАРОИБОТЛАРИ

ҚОРИНДА УНУТИЛГАН

Флоренциялик Роза Ленцини қаттиқ ҳасталикка учради. Роза 1969 йилда жарроҳлик амалида бўлган эди. Бир неча йиллар ўтгач унинг қорин атрофида чидаб бўлмайдиган оғриқ ҳуруж қилди. Врачлар бирор ечим фикрга келолмай, мушкул аҳволда қолишди. Махсус рентген билан олиб борилган назорат бу дардманд аёлнинг қорнида жумбоқли нарса борлиги аниқланди. Зудлик билан қилинган операция натижасида аёл қорнидан бундан 12 йил бурун унутилиб қолдирилган хирургик қисқич чиқариб олинди.

ЎЗГА ЮРАК БИЛАН

Илмий техника революцияси ўз самарасини фанларнинг барча шаҳобчаларида намоён этаётган бўлса, табобат оламида ҳам мўъжизали ютуқларга эришилмоқда. Америкалик Жимли Хэйес бундан беш йил муқаддам ўз юрагини алмаштиришга мажбур бўлган эди. Ҳозирги кунда бу шахсни ҳар тарафлама баркамол спортчи деса бўлади: у АҚШ бўйлаб ўз велосипедида саёҳатга чиқди. Ўзга юрак билан жаҳонгашталик қилаётган сайёҳ уч минг километр масофани босиб ўтиб, ўтган йилнинг октябрь ойи охирларида Пало—Альто (Калифорния)га етиб келди.

ТАНТИҚ МАЛИКА ТУШИ

Туш кўрмаган киши бўлмаса керак. Уйқунинг «мазмунли», мароқли ўтиши кишининг эртаги кайфиятига ҳам анчагина таъсир кўрсатмасдан қўймайди. Ҳар ҳолда яхши туш яхши-да!

Аниқ маълумотларга қараганда ўз даврида «жаннат» ороли—Мадагаскар қироличаси Ранавалона тантиқлигини намойиш қилган эди: у мириқиб туш кўраётганида сарой саҳобаларининг пайдо бўлишини тақиқлаб қўйган. Мабодо, тушида саррй аҳлидан бири назарига чалинадиган бўлса, эртасига унинг таъзирини берган.

М. НАБИЕВ.

ЛИМОН ДАРАХТИДАН... АПЕЛЬСИН

Ғалаба районидаги «Огонёк» совхоз-заводининг лимон дарахтларидан Ўзбекистонда биринчи... апельсин ҳосили олинди. Олимларнинг тавсияларига кўра бу дарахтни ўстириш ғалати технологияси қўлланилди. Бирлашма питомникларида апельсин қаламчалари бир йиллик лимон тупларига пайванд қилинди. Шундай қилиб, иккинчи йилиёқ ҳосил олинди. Ўсимликни минерал ўғит билан озиқлантириб туриш ва шарват оқизиш унинг ўсишини тезлатди. Қишда апельсин боғи устига пленка қопланади. Иситиш системаси зарур температурани сақлаб туради.

Келаси йили апельсин майдони икки баравар кўпайтирилади. Ана шу усул билан биринчи мандарин ҳосили ҳам олинди.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида апельсин ва мандарин қаламчаларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар республика хўжаликларига юборилади.

(ЎзТАГ).

• *Чайқовчига—шафқат йўқ!*

Фойда кетидан қувиб

Октябрь колхоз бозори. Ўрта ёшлардаги аёл узум сотаётган А. Расуловнинг олдида гирди капалак бўлиб қолди:

— Берақолинг энди амаки. Эр-ким киши 5—10 сўмни деб, кечгача саргайиб ўтирасизми?

Аёл деҳқоннинг узумини кўтарасига арзон гаровга. 33 килограммини 50 сўмга олди. Олди-ю кетмади. У энди сал нарироқда узум сотиб ўтирган Ҳавонисо Султонқуловани аврай бошлади:

— Аёл экансиз, ачинганимдан сўраяпман. Арзонроқ берсангиз ҳаммасини оламан. Сиз ҳам саргайиб ўтирмайсиз.

Аёл Ҳ. Султонқулованинг 21 килограмм узумига 35 сўм тўлади. Унинг ёнида турган йигит аёлдан сўради:

— Ая, шунча узумни нима қиласиз?

— Нима қилардим укам. Абай бозорида ҳар килограммини уч ярим сўмдан пуллайман да...

Ҳа, Ширингул Тоғаева содда деҳқонларнинг меҳнатию пешона теридан бунёд этилган меваларини олиб, қайта сотиш йўли билан нанд 189 сўм фойда кўрмоқчи эди, бўлмади.

Б. Саъдиева Тошкент область Янгийўл район, Куйбишев қишлоқ Советидаги «Коммунизм» колхозидан Октябрь бозорига бекорга келмаган. У ҳар бир метри 12 сўмли уч метр хонатласни 130 сўмга, 64 сўмлик кофта-юбкани 80 сўмга пуллаётганида қўлга олинди. Кўп ўтмасдан уларнинг сафига яна бир аёл қўшилди.

Хосият Носирова давлат нархида 18 сўм бўлган рўмолни 30 сўмга сотаётганида ушланди. Гувоҳлар иштирокида тинтув қилинганида суякасидан ва қўйлаги ичидан нархи 18 сўмлик ва 15 сўмлик рўмоллардан 14 дона топилди.

Афсуски, Х. Носирова беш йил муқаддам шундай жиноятн туфайли бир йил қамоқ жазосини олганди. Тавбасига таянмаган Х. Носирова бу safar уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Унга тегишли 14 дона рўмолни мусодара қилиш ҳақида суд ҳукм чиқарди.

Ширингул Тоғаева ва Бувиниса Саъдиева бир йил муддат билан ахлоқ тузатиш жазосига тортилди.

Х. МУИДИНОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ҚИЗЛАР!

Шу кунларда минглаб қизлар касб танлаш ҳақидаги масалани қизиқиш билан ҳал қилмоқдалар. Бу шундай жиддий масалаки, унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ керак. Меҳнат инсон қалбига ёқиб қолиши, у ҳаётда бир олам қувонч келтириши учун ҳам касб турмушда бир марта танланади.

Агар Сиз бизнинг маслаҳатимизга қўнсангиз, Сизнинг меҳнатингиз ҳамиша қизиқарли бўлади, билим ва куч-ғайратингизни ўринли сарфлаган бўласиз.

САВДОДА ИШЛАШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош савдо бошқармасининг

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

4-ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗАДИ.

Курсларга Тошкент шаҳрида доимий прописка турувчи, 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган, 8 — 10 синф ҳажмида маълумотли қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари ҳам мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини битирганлар йирик магазинларга ишга юбориладилар ва уларга совет савдоси техникумининг кечки бўлимига имтиёзли шароитда кириш имконияти яратиб берилади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади. Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Кассирлар тайёрлаш бўйича (ёш чекланмаган) бир ойлик курсларга ҳам бир йўла ўқувчилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗХОЗТОРГ» УЛГУРЖИ БАЗАСИДА

ЕТАРЛИ МИҚДОРДА ЭШИК ПРУЖИНАЛАРИ (баҳоси —1 сўм);

ЭШИК ЗУЛФЛАРИ (баҳоси — 40 тийин) БОРЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«УЗХОЗТОРГ».

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон агентлиги.

ШАҲАР ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ СТАНЦИЯСИ

итлар, қора моллар, паррандалар, асаларилар эгаларининг диққатига шуни маълум қиладики, ССР Иттифоқи Ветеринария уставининг талабларига ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1981 йил 25 июндаги «ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖАМОАТ ТАРТИБИ, ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА САНИТАРИЯ ҚОИДАЛАРИ» қарорига биноан

Улар ўзларида мавжуд бўлган уй ҳайвонлари, итлар, паррандалар ва асаларилари январь—июнь ойлари мобайнида юқумли касалликларга қарши кўригидан ва ветеринария ишловидан ўтказиш учун территориал ветеринария шифохоналарига олиб бориб кўрсатиш ва келиб кириш учун буюртмалар беришга ҳар йили мажбурдирлар.

РАЙОНЛАР БЎЙИЧА:

ФРУНЗЕ— «Таштекстильмаш» кўчаси, 20-уй. Телефон 53-61-33.

ОКТЯБРЬ—Самарқанд дарвоза кўчаси, 62-уй. Телефон 44-23-71.

КУЙБИШЕВ — Луначарский шоссеси, 326-уй. Телефон 64-13-10.

ЛЕНИН— Ипподромная кўчаси, 184-уй. Телефон 91-65-36.

КИРОВ— Обсерватория кўчаси, 27-уй. Телефон 33-35-13.

ЧИЛОНЗОР— Мамарасул Бобоев кўчаси, 73-уй.

С. РАҲИМОВ—Форобий кўчаси, 29-уй. Телефон 44-34-53.

СЕРГЕЛИ— Райҳон кўчаси, 1-переулок, Сергели.

ҲАМЗА— Заркент кўчаси, 20-уй. Телефон 91-47-14.

АКМАЛ ИКРОМОВ— Маннон Уйғур кўчаси, 628-уй. Телефон 46-84-85.

ЯНГИ СОТИБ ОЛИНГАН УЙ ҲАЙВОНЛАРИ, ИТЛАР, ПАРРАНДАЛАР ВА АСАЛАРИЛАР 5 КУН МУДДАТ ИЧИДА ВЕТЕРИНАРИЯ ШИФОХОНАЛАРИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛИШИ ШАРТ.

Ветеринария шифохоналарига биринчи марта мурожаат этилаётган шахс ҳақида гувоҳлик берувчи ва ҳайвонлар эгаларининг турар жойларини тасдиқловчи ҳужжатлар бирга бўлиши лозим.

Ҳайвонларни сўйиш, чорвачилик маҳсулотларини, паррандачилик маҳсулотларини бозорларда ветеринария ҳужжатларисиз сотиш ман этилади.

Уй ҳайвонларини, итларни, паррандаларни ва асалариларни рўйхатдан ва ветеринария ишловидан ўтказишдан бош тортганлар белгиланган қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ ВА УНИНГ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА ЖОЙЛАШГАН ФИЛИАЛЛАРИГА:

КИРОВ РАЙОНИДА — Юнусобод массиви, Мирзааҳмедов кўчаси;

А. ИКРОМОВ РАЙОНИДА — Чилонзор массиви, Фарҳод кўчаси, 3 «а»-уй;

С. РАҲИМОВ РАЙОНИДА — Қорақамиш массиви, Н. Ҳасанова кўчаси.

Ингирувчилар, ўровчилар, тўқувчилар, текисловчилар, тарқоқчилар, лентачилар, тўқувчилик ва йигирувчилик ишлаб чиқаришининг мастер ёрдамчилари, раклистлар, электромонтёрлар. Елғиз кишилар етоқхона билан таъминланадилар.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.

ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ— Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.

ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — Ў. Юсупов кўчаси, 3-уй.

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.

ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.

КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.

С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.

СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 6/I да **Келинлар қўзғолони.** (12.00). **Оқ танлилар** (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/I да **Олифта,** 7/I да **Тўйдан олдин томоша.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— «ЦИРКДА АРЧА» **Якги йил цирк томошалари** (10, 13, 16, 19.30).

КИНО

5 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МАНГУ ЕРУҒЛИКНИ АСРА» — **Қозогистон.**

«ПАРТИЯВИЙ ЕНДАШИШ» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АНОР ОРОЛЛАРИДА» — **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Кўнча** (тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00), **Мир** (тоқ соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда).

«КУЗИНГГА ҚАРА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ СЕВИМЛИ АЕЛИ» —**Ҳамза номли** (жуфт соатларда).

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

6 ЯНВАРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«МАНГУ ЕРУҒЛИКНИ АСРА» — **Қозогистон.**

«ПАРТИЯВИЙ ЕНДАШИШ» — **Фестиваль.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«АНОРЛИ ОРОЛЛАРДА»— **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда), **Кўнча** (тоқ соатларда), **Искра** (16, 18, 20.00). **Мир** (тоқ соатларда), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«МЕХАНИК ГАВРИЛОВНИНГ СЕВИМЛИ АЕЛИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда))

«ХХ АСР ҚАРОҚЧИЛАРИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«АСРЛАР ЧЕГАРАСИДА»— **Мир** (тоқ соатларда).

Узбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

устки кийим бошларни тайёрлаш бўйича тикувчилик ихтисослиги бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиш муддати — 6 ой.

БИЛИМ ЮРТИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА ОЙИГА 70 СЎМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ПРАКТИКАСИНИ ЎТАШ ДАВРИДА ЎҚУВЧИЛАР ИШЛАНГАН ИШ ҲАҚИНИНГ 50 ПРОЦЕНТИНИ ОЛАДИЛАР.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР 15 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ИНСТИТУТЛАР ВА ТЕХНИКУМЛАРГА ЎҚИШГА КИРИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: паспорт, справкалар; турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма); билим юрти директори номига ариза, мактабдан характеристика, 4 та фотосурат (3х4 см.).

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикув ишлаб чиқариш бирлашмасига (2, 9, 18, 19, 21, 51, 60, 72, 89, 56, 57-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 28, 22-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати);

Тошкент шаҳри Чехов кўчаси, 5«а»-уй «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасига (3, 80, 60, 2, 25-автобуслар; 1, 2, 5, 89, 24-трамвайларнинг «Қизил тонг» бирлашмаси» бекати).

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

5 ЯНВАРЬ—СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.45 «Жасорат». Москва остоналарида гитлерчи қўшинлар тор-мор этилганлигининг 40 йиллигига. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 УССРда хизмат кўрсатган «Ятрань» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.00 Кўп миллатли Совет кино-санъати. «Ўн уч». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Русская зима санъат фестивалининг якунловчи концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 1-бўлим. 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати В. Круглов чалади (домра). 19.15 «Қишлоқ янгиликлари». 20.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Гном Гаясконинг саргузашти». Мультфильм. 20.30 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 20.55 «Африка, 1981 йил». 21.30 «Время». 22.00 «Мақсад». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

Узбекистон телевидениесининг программалари

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Эҳ, қандай дам олдим». «Мультфильм». 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Еш техниклар». 18.40 Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш». 19.00 «Ўзбек шоирларининг янги таржималари». Абдулла Орипов (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Қ. Искандаров ва Г. Юсупова концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевиденеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Чорвачилик— зарбдор фронт». 22.20 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 1-серия. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

6 ЯНВАРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «Ватаним менинг». Мамлакат бадиий коллективларининг чиқиши. 10.45 Болалар учун фильм. «Жозиба». 11.25 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Маҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. 16.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 16.45 «Ставрополь» халқ ансамблининг чиқиши. 17.00 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 17.45 «Павел аралашяпти». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия — «Қайси Такач, барибир эмасми!», 4-серия— «Аср жиноят». 18.45 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Красноярск оғир экскаваторлар заводи қурилишида иш вақтидан рационал фойдаланиш тўғрисида. 19.45 Қизил Байроқли Москва милицияси ашула ва ракс ансамблининг чиқиши. 20.20 «Олам кинокомера кўзгусида». 21.30 «Время». 22.00 «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти. 2-бўлим. Кремлнинг Съездлар саройидан. 5 январь куни трансляция пайтида ёзиб олинган. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Поэзия». Г. Мистраль.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Иккови варечьялик». Телевизион ҳужжатли фильм. (Новосибирск). 9.40 «Мақсад». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 10.45 «Цирк санъати». 11.15 Р. Л. Стивенсон. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 12.15 «Айгалек» болалар хореографик ансамблининг чиқиши. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 12.40 «Звездочёт» телевизион журнали. 19.25 «Қадимий рус романслари». СССР халқ артисти Н. Амбразайтите қуйлайди. 14.00 «Муз устида шерлар». Болалар учун фильм. 15.20 «Русская зима» санъат фестивалининг концерти. 16.00 «Эҳ, сен сўнгги муҳаббатим...». Ф. И. Тютчев шеърлари асосида фильм-концерт. 16.50 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Коллегиум мизикум» ансамблининг концерти. Ш. Загреб (Югославия). 19.05 «Санъат устадари». СССР халқ артисти О. Андровская. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар!». «Қор маликаси». Мультфильм. 1-кўрсатув. 20.30 «Альт чалувчи Ю. Башмет» Фильм-концерт премьераси. 21.10 «Коломна». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 В. А. Гранаткин хотираси совғини учун футбол бўйича Халқаро ўсмирлар турнири. Болгария — СССР-1 терма командалари. МАСК футбол-енгил атлетика комплексидан олиб кўрсатилади.

Узбекистон телевидениесининг программалари

11.25 Кўрсатувлар программаси.

Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

11.30 «Икки кучукчанинг саргузашти». Мультфильм. 8., 9., 10-сериялар. 11.50 «Бахтли болалик». Фильм-концерт. 12.20 «Степан хотиралари». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Умид стартлари». «Ўйинлар, илҳом, умидлар». Телефильмлар. 18.40 «Шоирлар — болаларга». 19.10 «КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!». «Тошкент қоғоз фабрикаси». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Тоғлар ва дашт қўшиғи». Фильм-концерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 «Ўлик мавсум». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг «Орргтехстрой» трести коллективи «Орргтехстрой» трестининг бош инженери У. А. Соиповга опаси

Марҳамат АЪЗАМХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Куйбишев район халқ маориф бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети кекса маориф ходими

Убайдулла Саъдиевоқосович САЪДИВОҚҚОСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

4 бет ТОШКЕНТ ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66, саноат 32-53-83, қурилиш — 32-58-85, шаҳар хўжалиги—32-57-83, совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19, фан мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-61, ахборот—33-28-95, спорт ва қарорга ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

5 ЯНВАРЬ, 1982 й. Р—07002. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690